O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
IN 1.52

*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

**2006** йил, **28** июль, жума № **30** (2157).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **28** июля, **2006** год, № **30** (2157).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

Ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллий ҳамжиҳатлик, фуқаролар тотувлиги – жамиятни янгилаш ва ислоҳ қилишнинг, барқарор ривожланиш ҳамда тараққиётнинг пойдевори ва кафолатидир.

**Ислом КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

# ҚАРОРИ

### Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

**Қадимий ва бой тарихи, бетакрор маданияти, буюк сиймолари билан жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимиз ва маънавиятимизнинг кўҳна бешикларидан бири бўлган, ноёб тарихий-меъморий обидалар, муқаддас қадамжоларни ўз бағрида асраб-авайлаб келаётган Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик қутлуғ санасини 2007 йилда Мустақиллик умумхалқ байрами билан боғлиқ тантаналар кунларида кенг миқёсда нишонлаш ҳамда юртдошларимиз, хусусан, ёш авлодни миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида:**

1. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2005 йил 20 октябрдаги 33-сессиясида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлаш ва унда ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда кенг жамоатчиликнинг Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби, тадбирлар дастури 1- ва 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Самарқанд вилояти ҳокимлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2006-2007 йилларда Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларни таъмирлаш, ижтимоий ҳамда коммунал соҳасида хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва ободонлаштиришга доир тадбирлар дастурини 3-иловага мувофиқ амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Фанлар академияси, Самарқанд давлат университети, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Самарқанд шаҳрида 2007 йил май ойида «Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция ташкил этиш, мазкур анжуман ишига мамлакатимиз ва чет эллардаги таниқли олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, уни ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш, шу мавзу билан боғлиқ бадиий-тарихий кўргазмалар уюштириш, конференция материалларини чоп этиш ва кенг ёритиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

Белгилаб қўйилсинки, халқаро илмий конференцияни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети ҳисобидан қопланади.

5. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси йилнинг ҳар чорагида ўтказиладиган мажлисларида тадбирлар дастурининг ижросини таъминлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

6. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга доир тадбирлар дастурини амалга оширишда ҳомий сифатида қатнашиш истагини билдирган нодавлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий ва халқаро тузилмаларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари ҳамда 2006-2007 йилларда тарихий обидаларни таъмирлаш ишлари билан боғлиқ барча харажатлар ушбу тадбирларни бажаришга масъул вазирликлар, ҳокимликлар ва идораларнинг 2006 йилда шу мақсадлар учун кўзда тутилган, шунингдек, 2007 йилдаги бюджет параметрларида режалаштирилган маблағлари доирасида ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 июль.



Тимур КАРИМОВ суратга олган.

***Сарҳадларда сергакдир, посбонларимиз!***

**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!**

## ҚОНУНДА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ

**(Давоми. Боши ўтган сонда).**

Жазо чораларининг бундай ислоҳ этилиши, биринчидан, давлат ва жамиятга етказилган моддий зарарни қоплайди, иккинчидан, давлатнинг кўп йиллар мобайнида қамоқларни тўлдириб турадиган маҳбусларга қилинадиган сарф-харажатларини иқтисод қилади, учинчидан, қамоқда ётган маҳбусларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини таъминотсиз қолдирмайди ва энг муҳими, жазога тортилган фуқароларни маънавий, ахлоқий, руҳий, ҳаттоки, жисмоний жиҳатлардан соғ-омон, бутун сақлайди. Шу пайтгача тергов органлари энг оғир эҳтиёт чораларини қўллаши оқибатида, қамоққа тушган соғлом кишилар маънавий-ахлоқий жиҳатдан бузилиб, руҳан эзилиб, жисмоний заифлашиб, шикастланиб чиқарди. Айниқса, ёшларимизни қамоқ жазосидан мумкин қадар асраб қолиш муҳимлигида Президентимизнинг «Адолат – қонун устуворлигида» маърузасида оқилона огоҳ этилади: «Шуни барчамиз англаб олишимиз муҳимки, колониялардаги ишлар нечоғли яхши ташкил этилмасин, барибир, бу ер ёшларни тарбиялайдиган жой эмас.

Кўп ҳолларда арзимас қилмиш эвазига қаттиқ жазо олган навқирон йигит айнан шу ерда жиноят оламига киради, ашаддий жиноятчиларга қўшилиб уларнинг турмуш тарзига хос кўникмаларни эгаллай бошлайди».

**(Давоми 8-бетда).**

**Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди**



## ТУРОНЗАМИН МАЛИКАЛАРИ

**Туронзамин азал-азалдан енгилмас баҳодирлар, марду майдонлар юрти бўлиб келган. Бу гўшанинг нафақат эрлари, балки оқилу доно аёллари ҳам юрт тинчлигини асраш, ободлигига ҳисса қўшишда эркакларга ҳамқадам бўлишган. Қадим тарихимизга назар ташласак, Турон аёллари ёвга қарши эркаклар билан бир сафда жанг қилганига гувоҳ бўламиз. Уларнинг қаҳрамонлиги тарихга битилиб, шу кунга қадар достонларда куйланиб келинаётгани бежиз эмас. Не-не даврлар, замонлар ўзгармасин, улуғ аждодлар қонидаги ватанпарварлик орияту ҳаё уларнинг улуғлигини асрай олди. Дарёдан бир томчи деганларидек юзлаб ёвқур ва юртбоши аёллардан замонлар силсиласида бизгача етиб келган Турон маликалари – улуғ момоларимизнинг ҳаётлари ҳақида мақоламизда қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.**

### ТЎМАРИС

Милоддан аввалги VI асрда яшаб ўтган, Турон халқларининг ахоманийлар босқинига қарши курашига раҳбарлик қилган Тўмариседек жасур саркарда аёл номи неча асрлар оша улуғвор жаранглайди. Қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг «Тарих» асарида ёзилишича, ахоманийлар давлати асосчиси Кир II милоддан аввалги 530 йилда Туронга бостириб кирганида, Тўмарис массагетлар қабиласининг маликаси бўлган.

**(Давоми 8-бетда).**

Муштарийларимизга

## БАРҚАРОРЛИК – ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида Ҳарбий Кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашни Мудофаа вазири Р. Мирзаев бошқарди ва нутқ сўзлади. Кенгашда хавфсизлик масаласига асосий эътибор қаратилди.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, **хавфсизлик – узлуксиз ҳолатдир, ҳадсиз-ҳудудсиздир.**

Ҳар бир ҳарбий хизматчи соғлом, бақувват, маънавий етук, ўз касбининг устаси бўлишлиги – хавфсизлигимизга бориб тақалади.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи хизмат қилаётган жойда ҳушёрлик, огоҳлик ва сезгирликка қатъий риоя этиши – хавфсизлигимиз гарови.

Ҳар бир ҳарбий хизматчининг ўз постида доимо тинчлик, осойишталикни таъминлаши – хавфсизлигимизнинг асосидир.

Қўшинлар хизматини аъло даражада ташкил этиш, Умумҳарбий низомлар талабларидан келиб чиққан ҳолда ўташ – Ватан ҳимоячиси огоҳ, ҳушёр ва сергак деганидир. Аёнки, посбонларимиз ўз бурчини виждонан, сидқидилдан ўтаётган бўлса, ҳеч ким ҳеч қачон бизнинг тинчлигимизга, осойишта ҳаётимизга путур етказа олмайди. Мақтансак, арзийдиган жасур, мард ўғлонларимиз бор.

Хавфсизлик бор жойда барқарорлик ҳукмронлик қилади. Барқарорлик – тараққиётнинг пойдевори.

Давлатимиз раҳбари шундай таъкидлайди: **«Ҳамиша шуни эсда тутишимиз керакки, айнан жамиятимиздаги барқарорлик – энг катта бойлигимиздир, бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланишимизнинг кафолатидир».**

Биз ижтимоий-сиёсий барқарорлик деганда – жамиятимизни сиёсий ислоҳ қилишни тушунамиз. У сиёсий тизим институтларининг самарали ишлашини таъминлайдиган, қонунлар ишлаши ва жамоат тартиби, хотиржамлик ва хавфсизлик сақланиши учун негиз яратувчи пойдевордир.

Шу кунларда мамлакатимизнинг ҳамма жойларида биз учун энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Ватанимиз ҳимоячиларининг зиммасидаги масъулиятли ва муқаддас вазифа битта – мустақиллигимизни, она юртимизни, халқимизни ишончли ҳимоя қилишдир.

Ватанимиз ҳимоячилари ана шу шарафли ва шу билан бирга масъулиятли вазифани бажариш учун хавфсизлик талабларига қатъий риоя этишиб, жамиятимизда барқарорлик ҳукм суриши учун бутун куч, билим, маҳоратларини ишга солишиб, ўз постларида ҳамиша ҳушёр, огоҳ ва сергак турган ҳолда истиқлолимиз байрамини аъло хизматлари билан қаршилашмоқда.

**ТАҲРИРИЯТ**

**Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги**



## МАЪРИФАТ НИМАДИР, ЖАҲОЛАТ НАДИР?

**(Давоми. Боши ўтган сонда).**

Тасаввур этинг: ҳар бир зиёли, ҳар бир мулкдор ёки тадбиркор ҳеч бўлмаганда ўзи ўқиган мактабга шунчалик эътибор берса, авлодлар камоли учун Жуманазар Бекназаровчалик қайғурса – бу ташаббус мамлакат бўйлаб қанот ёйса, таълим даргоҳларида муаммо қолмаган бўлар эди. Маориф тизими чинакам юксалишга юз тутарди.

Улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий бир мақоласида «Авлодларингизга келар замон илмини ўргатинг! Зеро, улар сиз яшаган даврда эмас, ўзга замонда яшайди» деган ҳикматни келтиради. Бу сўзлар моҳиятига эътибор беринг: демак, авлодларга замонавий илмларни ўргатишнинг ўзигина кифоя эмас, уларни келар замон илмидан-да хабардор этмоқ зарур. Ўзингиз ўйлаб кўринг, тили чиқмай туриб боласини тирикчилик ташвишларига жалб этаётган, илм-маърифатни эмас, қаллоблик билан бўлса-да, бирни икки қилишни, қонунга риоя этишни эмас, уни қандай четлаб ўтишни ўргатаётган бугунги айрим ота-оналардан нимани кутиш мумкин?! Бундай бола ватанпарвар эмас, ғаннорвар бўлиб ўсиши муқаррар-ку!

**(Давоми 8-бетда).**



**2** ҲУШЁРЛИК – БИЗНИНГ ҚУРОЛИМИЗ

ТИНЧЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ



**3** МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ АЛОҲИДА ТУРИ



**10** ТЕНГДОШ

ВАТАНИН ШАРАФЛАР АСЛ ЙИГИТ



**12** КЎНГИЛГА ТАШРИФ

ҚЎШИҚЛАРИМ ГОЯСИ МАКТУБЛАРДА

# ЁЗГИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ АВЖИДА

Ҳушёрлик – бизнинг қуролимиз

## ТИНЧЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

**Муқаддас заминимизнинг бир қисмини эгаллаб турган тоғли ҳудудлардаги бетакрор гўзал табиат Ватанимизга ташриф буюрган кўпгина хорижлик меҳмонлар эътиборини жалб этиши барчага аён. Аммо айрим сирли ниятлар билан келган «меҳмонларимиз» ортиқча «қизиқувчанлик» билдириб, муҳим объектларни шу баҳонада тасвирга олишга уринаётганини ҳаммаям билавермайди. Ана шундай вазиятларда Қуролли Кучларимиз вакиллари юқори ҳушёрлик намунасини кўрсатиб, юртимиз тинчлигини таъминлаб келмоқдалар.**

### ЖАМШИДНИНГ ЖАСОРАТИ

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманидаги Чақмоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Чиннибековлар оиласида яқинда катта байрам бўлди. Ўғиллари лейтенант Жамшид Чиннибеков ўта муҳим объектни қўриқлашда кўрсатган ҳушёрлиги ва жасорати учун Мудофаа вазири буйруғига биноан қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Унинг сафдошлари кичик сержантлар Анвар Алимқулов ва Хондамир Аҳмедов ҳам ана шу буйруққа биноан мукофотланди. Совғаларни шахсан Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган Штаби бошлиғи генерал-майор В. Маҳмудов топширгани ҳарбий хизматчиларнинг Ватан ҳимояси йўлидаги қилаётган хизматларига юқори баҳо берилганидан далолатдир.

Бундан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртидаги Жамшиднинг устозлари ҳам беҳад севинишди. Офицер жонажон билим юрти мавқеини янада юқори поғонага кўтаргани улар учун жуда қувонарлидир. Воқеани қисқача тафсилоти билан таништириб ўтсак, тоғли ҳудуддаги автомобиль йўлида ҳужжатлар текшириш постидаги ўз навбатини кутаётган хорижлик меҳмонларнинг бири манзарани кузатиш баҳонасида муҳим объектни видеотасвирга олаётганида мазкур ноқонуний ҳаракатларга қатъиян барҳам берилди.

Бутун дунёда халқаро терроризм кучлари ўз фаоллигини ошираётган бугунги дамларда нафақат Қуролли Кучлар вакиллари, балки барчамиз ҳам ҳушёрликни кучайтиришимиз зарур. Юртимиз сўлим гўшаларидаги кўзни қувонтирадиган тоғли жойлар манзараларини томоша қилиш баҳонасида ёвуз ниятлар билан келган «меҳмонлар» ҳаракатларини тўхтатиш – ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Ҳозирда ҳарбий билим юртини тамомлаганига эндигина бир йил бўлган ёш офицер учун хизматига бундай юқори эътибор қаратилгани уни янада руҳлантириб юборди. Шу боис Жамшид бўлинма жанговар шайлигини янада ошириш учун янги куч-қувват билан хизмат қилишга бел боғлади. Дарвоқе, бўлинмага борганимизда ҳарбий хизматчилар тоғларда жанговар қуролдан отиш машқларини бажариб қайтишган экан. Ушбу машғулотда лейтенант Ж.Чиннибеков ҳам автоматдан мерганлик билан ўқ узиб, ўзи бошқараётган қўриқлаш гуруҳи шахсий таркибига намуна кўрсатди. Сафдошларидан бири постда туриши олдидан қуроляроғини текшираётиб, Мудофаа вазиридан берилган қўл соатига назари тушганида ёш офицер янада тўлқинланиб кетди. Юртимизда Ватан ҳимоячиларининг аъло хизматига доимо юксак баҳо берилишига яна бир бор амин бўлди.

### ХОНДАМИР – САРАЛАРНИНГ САРАСИ

Наманган вилояти Учқўрғон туманида таваллуд топган кичик сержант Хондамир Аҳмедов учун ҳам ушбу постдаги воқеа катта ибрат бўлиб, уни янада ҳушёр бўлишга чорлаб туриши табиийдир. Илғор посбон муддатли хизматини алоқачилар қисмида ўтаб қайтганидан сўнг яна жанговар сафга ўз ихтиёри билан қайтди. Ҳарбий профессионаллар қаторидан жой олган йигит учун мазкур бўлинмага танланиши шарафли воқеага айланди. Чунки бутун қисм посбонлари орасидан бу ерга энг юқори тайёргарлиги борлар сараланади-да.

Яқинда оила қурган ўқчи аскар учун айнан Мудофаа вазири томонидан тақдирланиши жуда қувонарли бўлди. Қўмондонлик ижозати берилиши биланоқ, Хондамир совғани турмуш ўртоғига элтиб беришга шошилди. Биз улар учун ажойиб маиший шароитлар яратиб берилганига гувоҳ бўлдик. Жанговар машғулотда ҳам барча шароитлар мавжудлиги мазкур бўлинма зиммасидаги муҳим вазифалар доимо юқори қўмондонлик эътиборида эканлигини исботлаб турибди.

### ЖАМОА ЖИПС БЎЛГАНИДА...

Жанговар постларда ҳушёр туриши – шахсий таркибнинг кўп қиррали вазифаларидан бири, холос. Бундай тартиббузарлик ҳолатлари баъзан учраб турса-да, барча ноқонуний уринишларга қарши қаттиқ ва ишончли жавоб бериши учун ҳарбий хизматчиларимиз тинмасдан жанговар шайлигини ошириб келмоқдалар.

Жумладан, жанговар отиш машқларини кўнгилдагидек бажариш учун улар аввал компьютер тренажёрларда шуғулланишади. Бу машқларни сифатли ўтказишда йўриқчи, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Рустам Рўзиев шахсий таркибга яқиндан ёрдам беради. Кичик сержантлар Бахтиёр Назаралиев ва Илҳом Тожибоев ҳам мазкур тренажёрларда машқ бажаришга масъулият ҳисси билан ёндашадилар.


Тоғли ҳудудларда тўхтовсиз ҳаракатланишлари учун посбонлар жисмоний тайёргарликка ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Аммо бўлинманинг энг кучли қуроли барибир автомат ёки зирҳли техника эмас. Бу қурол – посбонларнинг юксак маънавияти, интеллектуал салоҳияти, она Ватанга муҳаббати, қасамёдига садоқатидадир. Тарбиячи офицер катта лейтенант Маъруфжон Жўрабоевнинг ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида буюк аждодларимизнинг кўрсатган мислсиз жасорати ва матонати ҳақидаги қизиқарли суҳбатлари, бугунги дунёдаги воқеалар тафсилотларига бағишланган таҳлилий ахборотлари посбонлар шайлиги юқорилигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Жанговар постга тайинланишидан аввал ҳар бир посбоннинг руҳий ҳолатига жуда катта эътибор қаратилиши ҳам ҳушёрликни кафолатламоқда. Ундан ташқари, жамоа жипслигини таъминлашга қаратилган турли маданий тадбирлар ҳам бўлинма шайлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, Мустақиллигимиз 15 йиллигини улкан ютуқлар билан қаршилаётган илғор жамоа шахсий таркиби жанговар хизматини юртимиз тинчлиги ва халқимиз осуда ҳаётини таъминлашга бағишламоқда. Қуролли Кучларимизнинг барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларидаги посбонлар эса илғорлар ибратидан куч олиши, шубҳасиз.

**Майор Аблай КАМОЛОВ, «Ватанпарвар» мухбири.**
**Тимур КАРИМОВ суратга олган.**







## НАРУШИТЕЛЬ ЗАДЕРЖАН

**Из подразделения, где служит майор А. Кулбеков, пришло сообщение: на боевой службе отличились рядовой Ойбек Халилов и сержант Бахтиер Парпиев. Своими умелыми действиями они пресекли преступные намерения нарушителя.**


Караул, возглавляемый сержантом Б. Парпиевым, одним из опытнейших начальников караула, выполнял боевую службу по охране объекта в обычном режиме. Своевременно производилась смена часовых на постах, воины добросовестно выполняли служебные обязанности. Оперативная обстановка на охраняемом объекте не вызывала тревоги. Однако, как показали дальнейшие события, не зря офицеры подразделения при подготовке караула к службе особо обращали внимание воинов на то, что нельзя ни на минуту ослаблять бдительность и настороженность при несении службы.

Нарушитель просчитался. Часовой поста кашкадарьинец рядовой Ойбек Халилов вовремя заметил противоправную попытку. Действуя строго по уставу, он немедленно сообщил о случившемся начальнику караула. Решительным окриком: «Стой, назад! Стой, стрелять буду!», – а затем и предупредительным выстрелом вверх пытался остановить преступника. Прибывшая по сигналу часового резервная группа во главе с начальником караула сержантом Б. Парпиевым задержала нарушителя.

Отличившиеся воины поощрены командиром части. Их высокая бдительность, умелые и решительные действия поставлены в пример всему личному составу.

**Николай ЧУРСИНОВ, ветеран Вооруженных Сил.**

Несение караульной службы – есть выполнение боевой задачи



## БДИТЕЛЬНО ОХРАНЯЯ ПОСТЫ

...Разогретая после жаркого летнего дня земля медленно остывает в прохладе сумерек. Часовому становится легче нести службу на посту. Но бдительность от этого ничуть не уменьшается. Даже несмотря на возникающие новые неудобства, главное из которых – уменьшение видимости вокруг охраняемого объекта.

Разводящий сержант Отабек Мамиров обязательно учитывает этот момент при проведении очередной смены караула. Выполняя весь ритуал в полном соответствии с требованиями Устава гарнизонной и караульной служб, он строго соблюдает маршрут движения смены на посты, вместе с часовым и караульным лично проверяет исправность освещения, ограждения, состояние окон, решеток и стен хранилищ, наличие замков, печатей и пломб, средств пожаротушения.

Наряду с этим заступивший на пост часовой получает подробные указания о нахождении соседних постов, наиболее опасных подступах к охраняемому объекту, о границах поста, проверяются его знания о порядке доклада и связи с караульным помещением. Наконец все часовые на постах сменены, и начальник караула лейтенант Шерзод Ахмедов придирчиво и строго следит за порядком разрядки оружия прибывших сослуживцев. Это проходит всегда не формально, а в строгом соответствии со всеми требованиями – ведь автомат заряжен боевыми патронами. Далее караульных ждут бодрствование и краткий отдых, а затем – вновь на посты.

**Майор Баходир УТАНОВ.**
**Фото Тимура КАРИМОВА.**

Для вас, офицеры-артиллеристы!

## ЗАДАЧИ ПЯТОЙ СЕРИИ

**ЗАДАЧА №1**

Определить дирекционный угол на ориентир при помощи гирокомпаса 1Г 17, если известно: 1 отсчет 3 градуса 18 минут 40 секунд, 2 отсчет 358 градусов 43 минуты 15 секунд, 3 отсчет 3 градуса 18 минут 20 секунд, поправка формуляра гирокомпаса 270 градусов 00 минут 14 секунд, сближение меридианов минус 2 градуса 17 минут 18 секунд.

**ЗАДАЧА №2**

По ДОТ производится три выстрела прямой наводкой. Вероятность попадания при каждом выстреле 0,6. При одном попадании ДОТ выходит из строя с вероятностью 0,4, при двух попаданиях 0,8, при трех попаданиях разрушается.

Определить вероятность разрушения ДОТ при трех выстрелах.

**ЗАДАЧА №3**

Батарея 122-мм гаубиц Д-30 (шестиорудийная) занимает боевой порядок: ОП позывной «Тайфун» X=64230, У=79360, Н=2000 м. КНП позывной «Кулик» X=64200, У=75128, Н=2200 м.

Дирекционный угол основного направления стрельбы 42–00. На ОП снаряды окрашенные. Дельта Vo сум.=минус 1,5%Vo, температура зарядов минус 25 градусов. Позывной командира дивизиона «Майдан». В 12.00 из штаба дивизиона получен бюллетень «Метеосредний»: «Метео 1109 – 10113 – 1600 – 72091 – 02 – 881007 – 04 – 851410 – 08 – 811812 – 12 – 791409 – 16 – 771510 – 20 – 761712 – 24 – 751714 – 30 – 751917 – ...»

Рассчитать суммарные поправки для заряда второго в основном направлении стрельбы на дальность 6 и 8 км. Провести пристрелку (по графику) и стрельбу на поражение по цели 101-й (пехота укрытая, расположенная на скате, обращенном в сторону КНП). Координаты цели: батарейный 38–16, дальность 3740. Мц = минус 0–67, фронт 0–60.

В ходе пристрелки и стрельбы на поражение получены следующие наблюдения:

1. Л 25, Н 6.
2. Л 4, В 8.
3. П 18, В 3.
4. П 8, преобладание недолетов, Фр = 0–55.
5. Цель подавлена.

**ЗАДАЧА №4**

Определить сближение меридианов в делениях угломера для огневой позиции, если известно, что широта 52 градуса 47,5 минуты, долгота 139 градусов 24,5 минуты.

### ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ ЧЕТВЕРТОЙ СЕРИИ

**ЗАДАЧА 1**

Срединная ошибка дальности равна 10,8 метра.

**ЗАДАЧА 2**

1. «Бурон», стой. Цель 101-я, пехота укрытая, ОФ взрыватель, О и Ф заряд полный, шкала тысячных, прицел 270, уровень 30–12, основное направление + 0–67, веер 0–04, основному 1 снаряд зарядить, начальнику сопряженного наблюдения обслужить пристрелку цели 101-й, пехоты укрытой, порядок доклада левый правый.
2. Прицел 286, левее 0–21, огонь.
3. Прицел 288, правее 0–01. Батарее 2 снаряда, беглый огонь.
4. Прицел 285, разделить огонь от основного 0–02. 4 снаряда, огонь.
5. Прицел 284, правее 0–01, огонь.
6. Стой, записать цель 101-ю, пехота укрытая, расход 37.

**ЗАДАЧА 3**

«Бюллетень ПОР»:

«Метео 1132» – 20091 – 0145 – 00656 – 02 – 661606 – 04 – 661606 – 08 – 651607 – 12 – 641707 – 16 – 641707 – 20 – 631708 – 24 – 621708 – 30 – 621809 – 40 – 611810.

## ОКРУГЛАРДАН ХАБАРЛАР

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ

### ЁШ ОФИЦЕРЛАР ЙИҒИНИ

Олий ҳарбий билим юртини тамомлаган лейтенантлар ёш офицер сифатидаги фаолиятларини ҳам бошладилар. Албатта, янги жамоада ўз ўрнини топиш, командирлари, сафдош дўстлари ҳурматини қозонишда уларнинг йиллар давомида олган билимлари, устоз офицерларининг йўл-йўриқлари асқотади. Шу кунларда жойларда ўтказилаётган ёш офицерлар йиғинларининг бу борадаги самарадорлиги, аҳамиятини таъкидлаб ўтиш жоиз. Қайсидир маънода бундай тадбирларни офицерлик ҳаёти остонаси дейиш мумкин. Офицер Олим Мамараупов раҳбарлигида ўтаётган йиғин давомида лейтенантларга ҳарбий округ, тегишли ҳужжатлар ҳақидаги батафсил маълумотлар берилади, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар асосий йўналишлари ва тайёргарлик турлари, тарбиявий ишларни тўғри ташкил этиш ва бошқа билимлар мустаҳкамланади.

**Подполковник Шуҳрат ТЎХТАЕВ.**

Восточный военный округ

### В СОКРАЩЕННОМ СОСТАВЕ

Трое суток продолжалось тактико-строевое занятие связистов подразделения лейтенанта Ш. Мавлянова. Все это время экипажи машин постоянно меняли место расположения, совершали марши, устанавливали антенно-мачтовые устройства, запускали электропитающие двигатели.

Экипажу младшего сержанта А. Тураева решать поставленные учебно-боевые задачи было вдвойне сложно, так как связисты работали в сокращенном составе. Командир действовал вместе с водителем-электриком рядовым Н. Нарзуллаевым. Разворачивал радиостанцию, выполнял с ним все необходимые нормативы. Несмотря на сложный режим работы, связисты не подвели.

**Старший лейтенант Хасан МИРЗАЕВ.**

Марказий ҳарбий округ

### САФДОШЛАРИГА ИБРАТ БЎЛИШМОҚДА

Марказий ҳарбий округга қарашли барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ҳам ёзги мавсум ўқув машғулотлари қизғин давом этмоқда.

Яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрамини юксак жанговар шайлик ва хизматда эришган юқори муваффақиятлари билан қарши олишни мақсад қилиб қўйган ҳарбий хизматчилар ўз устиларида тинимсиз ишлаб, касбий маҳоратларини ошириш йўлида тинимсиз изланмоқдалар. Бунда оддий аскарлар Фарҳод Аллаёзов, Рустам Қулматов, Шарофиддин Шойимқулов каби илғор посбонлар сафдошларига ибрат бўлишмоқда.

**Лейтенант Саидмурод АКБАРОВ.**

Ташкентский военный округ

### БОЛЬШИЕ ЗВЕЗДЫ ВПЕРЕДИ

В Чирчикском гарнизонном Доме офицеров состоялась торжественная церемония присвоения очередных воинских званий группе офицеров, проходящих службу в Ташкентском военном округе.



Одним из первых погоны старшего лейтенанта получает выпускник ЧВТКИУ 2004 года, ныне командир группы Аброр Хакимов. С огромной радостью вручает ему большой букет цветов супруга Саджида Бердиярова. Не скрывала своего волнения и сестра уже старшего лейтенанта Бобура Улканова Саодат.

Этот день останется в памяти и для старших лейтенантов Мурода Жайдакбаева, Баходира Умирзакова, выпускников СВВАКИУ 2004 года, Бахтиербека Юлдашева (ЧВТКИУ), Рамизжона Исакова (ТВОКУ) и многих других их коллег.

– Может быть, из среды этих младших офицеров в будущем выйдут настоящие военачальники, командующие, – говорит офицер А. Муинов. – Но я уверен, что в их памяти на всю жизнь останется эта торжественная церемония.

**Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ, корр. «Ватанпарвара».**

Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ

### СЕРМАЗМУН УЧРАШУВЛАР

Яқинда Термиз гарнизонидаги қисм ва бўлинмаларда округ хотин-қизлар қўмитаси раиси Тамара Маматова ва Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари – вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобилова бошчилигидаги гуруҳ ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан учрашувлар ўтказди.

Гарнизон офицерлар уйида уюштирилган илк учрашувда тўпланган аёлларга ҳарбий хизматчи ҳаётидаги аёлнинг юксак роли ҳақида сўзланди, турмушдаги баҳсли вазиятлардан муваффақиятли чиқиш йўллари кўрсатилиб, оиладаги муаммоларни ижобий ҳал этиш бўйича фойдали маслаҳатлар берилди. Учрашув иштирокчилари томонидан тушган саволларга ҳам батафсил жавоблар олингани эса йиғилганлар фаоллигини янада оширди.

Шунингдек, узоқда жойлашган ҳарбий қисмларга бўлган ташрифлар мобайнида офицер ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар оилалари турмуш шароитлари билан яқиндан танишиш билан биргаликда қизиқарли учрашувлар ҳам ўтказилди.


Офицерлар рафиқалари Маҳбуба Ҳасанова, Раъно Умарова каби аёлларнинг фикрларига кўра, мазкур учрашувлар жуда фойдали бўлиб, ҳарбий хизматчилар оилаларини янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади. Округ қўмондонлиги томонидан шахсий таркибнинг турмуш шароитларини яхшилашга йўналтирилган бундай тадбирлар ҳарбий оилага нисбатан кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик намунаси сифатида қимматлидир.

**Капитан Сероб БОЗОРОВ.**

## БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

15 75

**Асрларга тенгдош бўлган қадим юртимизнинг тарихда ўзига хос ўрни бор. Айниқса, бу заминнинг ҳар бир гўшасидаги бир-бирига ўхшамас урф-одату анъаналар ҳар қандай кишини лол қолдиради. Бугунги мақоламизда ушбу кўҳна диёрнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Навоий вилояти ҳақида фикр юритамиз.**



# ҚИЗИЛҚУМ МЎЪЖИЗАСИ

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий номига қўйилган вилоят гўзал Ўзбекистонимизнинг жануби-ғарбида, Зарафшон дарёси водийсида жойлашган бўлиб, 1982 йил 20 апрелда Бухоро ва қисман Самарқанд вилоятлари ҳудудларидан ташкил этилган.

География жиҳатдан Қизилқум чўли ҳудудида жойлашган Навоий вилоятининг майдони 111,0 минг км. квадрат бўлиб, шимол ва шимоли-шарқдан Қозоғистон Республикаси, жанубий-шарқдан Жиззах, Самарқанд, жанубдан Қашқадарё, жануби-ғарбдан Бухоро вилоятлари билан чегарадош. Вилоятнинг маркази эса Навоий шаҳридир.

Навоий вилояти мамлакатимизда жуда катта ерости бойликларига эга бўлган ҳудудлар сирасига киради. Вилоятдаги Мурунтовда олтин, Овминзатоғ шимолида графит топилган. Ер остида вольфрам, фосфоритлар, кварц қуми, цемент ва жуда катта оҳактош захиралари мавжуд. Бундан ташқари, ҳудудда минерал шифобахш, шўр ва ерости чуқур сув захиралари аниқланган. Чунончи, Томдибулоқ, Қорақота, Чингилди атрофларидан топилган шифобахш сувлардан хўжаликда кенг фойдаланилмоқда.

Ўз ўрнида мамлакатимиздаги кўп миллатли ҳудудлардан бири саналадиган Навоий вилоятида ўзбеклар билан бир қаторда рус, қозоқ, татар, украин, қорақалпоқ, тожик, белорус, озарбайжон ва бошқа миллат вакиллари бир оила аъзолари сингари яшаб, юртимиз иқтисоди учун ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда вилоятнинг ўзига хос ўрни бор. Бу ерда хўжаликнинг асосий тармоқлари – пахтачилик, ғаллачилик, шунингдек, боғдорчилик, токчилик, сабзавотчилик, пиллачилик, чорвачилик бўлиб, бундай маҳсулотларни етиштиришда навоийликлар асрлар давомида тўпланган тажрибага таяниб иш кўришади.

Қадимда Буюк Ипак йўли карвонлари тўхтаб ўтган бу маскан айни пайтда қулай транспорт йўлида жойлашганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Ҳозирда вилоятни кенг, равон бўлган Тошкент–Бухоро–Туркманобод, Тошкент–Учқудуқ–Нукус транспорт йўли кесиб ўтади. Бундан ташқари, ҳаво йўллари қатнови ҳам вилоятда яхши йўлга қўйилган бўлиб, Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида замонавий аэропортлар бор. Ҳаво йўллари вилоятнинг бош шаҳрини пойтахт орқали 20 дан ортиқ хорижий давлатлар билан боғлайди.

Бу ерда 2 та олий ўқув юрти, яъни Навоий давлат педагогика ва Навоий давлат кончилик институтлари мавжуд бўлиб, 8 мингдан ортиқ талабанинг замонавий стандартларга мос тарзда таълим олишига хизмат қилиб келмоқда. Шунингдек, вилоятда Навоий ўлкашунослик музейи ҳамда ёш томошабинлар театри ҳам фаолият кўрсатади.

Спорт соҳасида навоийликлар республикамизда етакчи ўринда туради. Бу ерлик спортчилар кўп бора халқаро ареналарда муносиб баҳс олиб бориб, юртимиз шаънини ҳимоя қилишган ва қилишаётир. Айниқса, кураш, волейбол, футбол, теннис, бокс мусобақаларида навоийлик спортчилар юқори натижаларни қўлга киритишмоқда. Вилоятдан спортнинг сузиш, бадиий гимнастика, оғир атлетика, армреслинг, рауэрлифтинг турлари бўйича бир неча карра мамлакат ва Осиё чемпионлари етишиб чиққан. Кейинги пайтда болалар спортига катта эътибор берилиб, вилоят шаҳар ва туманларида кўплаб замонавий спорт иншоотлари бунёд этилди.

Навоий замини қадимдан машҳур алломалар, шоир ва файласуфларнинг бешигини аллалаган. Биргина Карминий тахаллуси билан ижод қилган бир неча ўнлаб ижодкорларнинг номлари маълум.

Бугун Навоий вилояти ҳудудида қадимий давр ва ўрта асрларда қурилган 10 дан зиёд меъморий ёдгорликлар мавжуд. Буларга Карманадаги Мирсаид Баҳром мақбараси (XI аср), Қосим шайх меъморий мажмуаси (XVI аср), Бухоро – Навоий йўлидаги Работи Малик карвонсарой ва сардобасини (XI аср) мисол келтиришимиз мумкин. Ушбу осори-атиқалардан ҳам маълумки, қадимдан бу ҳудудда маданият тараққий этган. Ҳозир вилоятда 30 га яқин археология ёдгорликлари мавжуд. Айниқса, Навбаҳор тумани Учтут қишлоғидаги шахта (неолит даври), Нурота тумани ҳудудидаги Қоратоғда ўйиб ёзилган қоятош ёзувлари (мил. ав. III аср) ва бошқа ёдгорликлар тарихчи олимлар диққатини ўзига жалб қилган.

Бугунги кунда юртимиздаги энг йирик саноат корхоналари жойлашган вилоят Зарафшон водийсидаги тез ўсаётган ёш индустриал ҳудуд сифатида тилга олинади. Боз устига, Навоий шаҳрига Зарафшон дарёсининг яқинлиги, йирик қишлоқ хўжалиги ҳудудининг марказида жойлашганлиги ва транспорт билан яхши таъминланганлиги айни пайтда шаҳарнинг янада чирой очиб тез ўсиши омили сифатида эътироф этилади. Мустақилликдан сўнг вилоятда ишлаб чиқариш билан бирга аҳолининг турмуш даражаси ҳам сезиларли ўсди. Ҳозирда Навоий Ўрта Осиёда йирик электр энергия ва кимё саноати марказига айланди, десак, муболаға бўлмайди.

Навоий шаҳрининг ўзида 21 та йирик саноат корхонаси мавжуд бўлиб, вилоят саноат корхоналари ялпи маҳсулоти катта улуши ҳам айнан ушбу шаҳарда ишлаб чиқарилади. Шаҳар саноат тармоқларида электр қуввати, минерал ўғитлар, ип ҳамда ипак газламалар ишлаб чиқарилиб, ички бозорни тўлдиришга хизмат қилмоқда. Навоий шаҳрида 18 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият юритиб, шулардан «Агама», «Зеркиспарк» корхоналари маҳсулотларига нафақат Ўзбекистон ички бозорида, балки хорижда ҳам талаб катта.

Мамлакатимиздаги йирик иссиқлик электр станцияларидан бири Навоий иссиқлик электр станцияси айнан ушбу вилоятда жойлашган бўлиб, ўлкамизнинг ғарби-жанубий ҳудудларини электр энергияси билан таъминлайдиган асосий манба ҳисобланади. Ушбу иншоот айни пайтда Қизилқумдаги тоғ-кон ва газ саноати корхоналарига Навоий «Электркимёзаводи», «Қизилқумцемент» корхонасига, Аму-Бухоро, Қарши магистрал каналларидаги насос станцияларига, Бухоро, Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарлари истеъмолчиларига электр энергияни етказиб беради. Шунингдек, Навоий шаҳридаги корхоналарни ва коммунал-маиший эҳтиёжларни иссиқ сув билан таъминлайди.

Республикамиз иқтисодиётининг етакчи бўғинларидан бири бўлган кончилик саноатининг асосий негизи бўлган Навоий кон-металлургия комбинати кейинги йилларда анча тараққий этиб бормоқда. «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни таркибидаги йирик саноат корхонасида айни пайтда мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим бўлган уран, олтин, кумуш, қурилиш материаллари, мармар маҳсулотлари, фосфоритлар қазиб олинмоқда. Комбинатда сульфат кислотаси, заргарлик, трикотаж ва тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда комбинат қидирув ишлари, маъданни қазиб олиш ва уни қайта ишлашдан бошлаб, то уран оксиди ва чала оксиди, соф олтин олишгача бўлган тугалланган жараённи амалга оширувчи саноат корхонаси ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатда олтин ва уран қазиб олиш саноатининг ривожланишида янги тарихий босқич бошланди. Бу давр мобайнида Навоий конметаллургия комбинатида, Учқудуқда олтин ажратиб олиш мажмуаси, 3-гидрометаллургия заводи ва Кўкпатас ҳамда Давғизтовда олтин конларининг қурилиши ниҳоясига етказилиб, ишга туширилди. «Зарафшон – Ньюмонт» эмульсияли корхонаси барпо қилинди.

Таркибида олтин мавжуд бўлган маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича комбинат кўп йиллар мобайнида юқори техник-иқтисодий кўрсаткичлар билан ишлаб келмоқда. Шуниси эътиборлики, мамлакатимиз мустақиллиги йилларида олтин ишлаб чиқариш 1,5 баробар кўпайди. 2000 йилда «Дўстлик» ордени билан мукофотланган Навоий кон-металлургия комбинати юртимиздаги йирик илмий марказлар ва муассасалар, ўқув юртлари, жаҳондаги кончилик ва рангли металлургия саноатидаги энг йирик компаниялар билан узоқ муддатли мустаҳкам алоқалар ўрнатган.

Айни пайтда юртимиз кўркига-кўрк, тароватига-тароват қўшиб турган навқирон Навоий вилоятининг ҳам ўз ўрни бор. Саратоннинг иссиғи, қаҳратон қишнинг совуғи демай, навоийлик заҳматкашлар юрт дастурхони тўкинлиги учун ўзларининг улкан ҳиссасини қўшишмоқда. Юртимизнинг эртаси учун қайғуришмоқда. Ҳа, замин тупроғидан зар ундираётган бундай миришкорларни кўриб, ўлкам улусисан, дегинг келади.

**Комилжон ҲАСАНОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ АЛОҲИДА ТУРИ

**Марказий офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда «Ҳарбий хизмат – давлат хизматининг алоҳида тури» мавзуида семинар ташкил қилди.**





Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари М.Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари М.Аҳмедов иштирок этдилар.

Тадбир сенатор М.Усмоновнинг кириш сўзи билан бошланди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов **«Бугун биз яқин ўтмишимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан, миллий армиямизни барпо этиш жараёнлари Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш билан узвий боғланган, деб айтишимиз мумкин»,** – дея таъкидлайди. Юртимизда адолат офтоби порлаб, ҳурриятнинг хуш насимлари эса бошлаган дастлабки даврларда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонун мустақил республикамизда ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини берди. Ушбу муҳим ҳужжат, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги баёнот мамлакатимиз Қуролли Кучларини тузиш учун ҳуқуқий асос вазифасини ўтади. Нотиқ ўз сўзида ана шулар каби шаклланиш босқичининг муҳим ҳужжатлари, уларни юзага келтирган шарт-шароитлар ҳақида тўхталди.

Маълумки, ўтган йиллар давомида миллий армиямизнинг профессионал асосда шаклланиши улкан ва изчил ислоҳотлар орқали амалга оширилди. Ихчам, тезкор, замон талабларига мос, мукаммал техника ва қурол-яроғлар билан таъминланган Қуролли Кучларни барпо этиш ислоҳотларнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг баробарида яна бир ғоят мураккаб ва долзарб вазифа ҳам борки, бу – ҳар томонлама етук, ватанпарвар, комил инсонни тарбиялашдир. Мамлакатимиз раҳбари бу борада ҳаёт мактабининг беқиёс ўрнига алоҳида эътибор қаратиб, шундай дейди: **«Эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар захирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда».** Мудофаа вазирининг ўринбосари М.Аҳмедов ўз маърузасида ана шу муҳим вазифанинг бажарилиши масалаларига тўхталди.

Бўлиб ўтган семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан армияда ўтказилаётган ҳамда ҳарбий хизматнинг обрўсини ва мамлакат мудофаа қобилиятини оширишга қаратилган ислоҳотларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, ҳарбий хизматни ўташ мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг фахрий бурчи эканлиги қайд этилган. Фуқароларнинг ҳарбий хизмати «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда мамлакатимизда ҳарбий хизматни ташкил этиш ва фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Б.Абдураимовнинг «Ўзбекистон Республикаси мудофаа салоҳиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари», Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти катта ўқитувчиси Н.Сандибаевнинг «Ҳарбий ҳуқуқ ва уни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини мустаҳкамлашда тутган ўрни», Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси ўқитувчиси Н.Раҳматовнинг «Миллий хавфсизликни таъминлаш ҳар бир фуқаронинг конституцион муқаддас бурчи», Мудофаа вазирлиги Молия-иқтисод бошқармаси бўлим бошлиғи Ф.Саломовнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчисининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий кафолатлари» мавзуидаги маърузалари катта қизиқиш билан тингланди.

Қатнашчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан яқинда маъқулланган «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларини қўллаш масалаларига алоҳида эътибор бердилар ҳамда юқоридаги Қонуннинг асосий қоидаларини амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этиш юзасидан қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш бўйича бир қатор таклиф, тавсиялар билдирдилар.

Республика мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий Кенгаши раиси А.Абдуқаххоров, ФВВ кадрлар ва шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Анвар Нурходжаев, Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази бош мутахассиси Саъдулло Қурбонов, Тошкент техника олий билим юрти бошлиғи ўринбосари Олимжон Жалилов ва бошқалар юқоридаги масалалар юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этдилар.

Семинарда фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш чоғида уларнинг ҳарбий хизматни ўташ соҳасидаги конституциявий ҳуқуқ ва бурчларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакатни мудофаа қилиш ва ҳимоялаш ҳақидаги қоидаларини, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг вазифаларини, Ҳарбий қасамёд ва Қуролли Кучлар низомининг асосий талабларини тушунтиришга катта эътибор бериш зарурлиги таъкидланди. Буларнинг барчаси ёшларни ватанпарварлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга, мамлакат манфаатларини ҳимоя қиладиган ҳамда унинг сарҳадлари дахлсизлигини кафолатлайдиган профессионал армияни шакллантиришга ёрдам беради.

Баҳс-мунозараларга бой бўлган мазкур семинар ишида сенаторлар, Мудофаа, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш,Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши, «Маҳалла», «Нуроний» хайрия жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ марказий кенгашининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Тадбир сўнгида қатнашчилар томонидан бундай семинарларнинг тез-тез ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидланди.

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Тимур КАРИМОВ**
**суратга олган.**

# КИЧИК МУТАХАССИСЛАР КАТТА ҲАЁТДА

**Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ҳамда Мудофаа вазирининг тегишли буйруғи асосида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти қошида «Автотрактор техникаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш махсус курси» ташкил этилгани ва яқиндагина мазкур билим юртида ушбу соҳа бўйича таҳсил олган кичик мутахассисларнинг илк битирув тантанаси бўлиб ўтганидан хабарингиз бор.**

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳалари ҳамда Қуролли Кучларимизнинг тегишли бўғинларига малакали мутахассис-кадрлар етказиб беришдек устувор мақсадни кўзлаб ташкил этилган ушбу махсус курсни битирганлар айни пайтда жойлардаги ҳокимият органлари ва мудофаа ишлар бўлим ҳамда бошқармалари қўмагида иш билан таъминланишмоқда. Ўтган галги мақоламизда айтиб ўтганимиздек, уларнинг асосий қисми шартнома асосидаги ҳарбий хизматга кириш истагини билдиришган. Айни пайтда талабгорлар тегишли кўрик-танлов ҳамда синов босқичларидан ўтишмоқда. Шунингдек, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлашга қабул қилинганлари ҳам бир талай.

– Битирганларнинг иш билан таъминланиши масаласида амалий ёрдам кўрсатиш ҳаракатидамиз, – дейди Самарқанд вилоят мудофаа ишлари бошқармаси сафарбарлик чақируви резерви бўлими бошлиғи офицер Эрнест Асанов. – Кўпчилик шартнома бўйича хизматга ҳужжат тайёрламоқда. Чирчиқ ва Самарқанд шаҳарларидаги жанговар техникаларни таъмирлаш заводлари, ҳарбий қисмлар улар йўлига мунтазир. Бундан ташқари, ҳокимият органлари кўмагида ишга жойлашганлар ҳам анчагина. Жомбой туман машина-трактор паркига ишга жойлашган Хайрулла Мирзаев, Пахтачи туманидаги пахта заводига қабул қилинган Азимжон Тангатаров, Жанубий тоғ-кон бошқармасига ишга кирган нурободлик Боймирза Бобожоновлар шулар жумласидандир.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти қошида таҳсил олган кичик мутахассисларнинг бир нечтасига бевосита билим юртида шартнома асосида хизмат қилишига билим юрти бошлиғи ўз розилигини билдиргани ҳақида ўтган галги мақоламизда айтиб ўтгандик. Бундан ташқари, уларнинг кўпчилиги юртимиздаги жанговар техникаларни таъмирлаш заводлари, ҳарбий қисмлардан ҳам иш топишмоқда. Битирганларни иш билан таъминлаш борасида вилоятларда амалга оширилаётган амалий ҳаракатларни билиш мақсадида жойлардаги мудофаа ишлари бошқармалари билан боғланганимизда, бизга шундай маълумотлар етказилди:


– Вилоятимиздан кўпчилик ёшлар СОҲАҚМБЮ қошидаги кичик мутахассислар тайёрлаш курсида таҳсил олиб, ҳарбийча ҳаётга янаям кўникиб қайтишди, – дейди Фарғона вилоят мудофаа ишлари бошқармаси СҲР бўлими бошлиғи офицер Қурбонали Абдураҳмонов. – Уларнинг аксарияти ҳарбий хизматни давом эттириш истагидалар. Ана шундайлар ҳозир кўрик-танловлардан ўтишмоқда. Шунингдек, ўқишни институтларда давом эттиришни ва халқ хўжалиги соҳаларида ишлашни истаётганлар ҳам бор. Вилоятимизда юқорида номи тилга олинган махсус курсда ўқиш истагидаги ёшлар кўпайяпти. Ҳадемай, иккинчи босқич номзодлари ҳам аниқ бўлади. Биринчи босқичда ижобий натижаларга эришган бувайдалик Бунёд Ҳусанов, риштонлик Дониёр Аҳмедов, ёзёвонлик Мақсад Муллаевларга кўпчилик ёшлар ҳавас қилишмоқда.

– Махсус курсни битирган кичик мутахассислар Қорақалпоғистонда ҳам зўр қизиқиш билан қарши олинди, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси мудофаа ишлари бошқармаси СҲР бўлими ходими Қуролли Кучлар хизматчиси Зинаддин Фахриддинов. – Улар айни пайтда иш билан таъминланишмоқда. Элликқалъа туманида яшовчи Қаҳрамон Худойберганов ва Гуломжон Алиевлар фермер хўжалигига, нукуслик Бек Отажонов қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирлаш заводига, Ўринбосар Олломуродов эса Нукус шаҳар мудофаа ишлари бўлимига, Хўжайли туманида яшовчи Роҳат Авазов қишлоқ хўжалиги кимё корхонасига, чимбойлик Темур Сексаналиев машина-трактор паркига, қанликўллик Ербўл Қолбоев қишлоқ хўжалиги кимё корхонасига ишга қабул қилинди. Уларнинг иш билан таъминланишида мудофаа ишлари бўлимлари ва ҳокимият органлари ўз кўмакларини аямадилар. Қолаверса, юксак тартиб-интизом билан чуқурлаштирилган таълим асосида ўқитилган шунқорларга талаб ҳам юқори бўлди.

Ҳа, азизлар. Ҳунарли хор бўлмас, дейдилар. Билим олиб, ҳунар эгаси бўлиб қайтган йигитлар бугун ғайрат-шижоат билан ўз фаолиятларини бошлаб юборишди. Келгусида уларни юксак чўққилар, нурли манзиллар кутажак. Зеро, улар нимага интилишаётганини, эл-юрт ишончининг масъулиятини яхши билишади. Қолаверса, курсга кириб то уни битиргунча қанча меҳнат, маблағ ва вақт сарфланди дейсиз! Аммо ўша сарфланганларни экилган экинга қиёс қилсак, энди ўша экиннинг ҳосилини кўтариш пайти келганини кўриш мароқлидир.

**Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.**






Навстречу 15-й годовщине Независимости

# НА ПУТИ К СИЛЬНОМУ, ПРОЦВЕТАЮЩЕМУ ГОСУДАРСТВУ

**Каждый день приближает нас к 15-летнему юбилею независимости. Очень многое вобрали в себя эти годы. Разработаны и успешно осуществляются концепция, стратегия и тактика перехода страны на рыночные отношения, четко определены принципы и приоритеты реформирования всех сторон нашей общественной жизни и укрепления независимости государства на начало XXI века, успешно осуществляется структурная перестройка экономики и ее реформирование на базе новейших технологий, идет последовательный процесс углубления и приватизации с широким привлечением иностранных инвестиций, всемерное развитие приобрел частный бизнес, зеленую улицу получило фермерское движение, которое, по образному выражению Президента страны Ислама Каримова, «становится на селе в полном смысле ведущей и определяющей силой».**

Оценивая путь, пройденный республикой за неполные пятнадцать лет, можно с уверенностью сказать: **главный итог социально-экономического развития страны состоит в том, что, опираясь на собственную «узбекскую модель» перехода к рыночным отношениям, Республика Узбекистан за короткий исторический срок совершила восхождение к вершинам экономического и общественно-политического прогресса и ныне достойно представляет себя в мировом сообществе.**

Подтверждением сказанному являются два важнейших политических события, которые произошли в стране 19 июля сего года. Это – **Послание Президента страны Ислама Каримова «Хлеборобам Узбекистана»**, которые собрали огромный урожай зерна – более 6 миллионов 100 тысяч тонн. И состоявшееся в тот же день **заседание Кабинета Министров Республики Узбекистан, на котором всесторонне обсуждены итоги социально-экономического развития Узбекистана в первом полугодии текущего года и определены меры, направленные на достижение прогнозных параметров, установленных Президентом страны Исламом Каримовым на заседании правительства 10 февраля 2006 года.**

В текущем году отмечается положительная динамика макроэкономических показателей. Так, **рост валового внутреннего продукта, по сравнению с тем же периодом прошлого года, составил 6,6 процента, промышленной продукции – 9,7 процента, сельского хозяйства – 7,2 процента, торговли – 11,6 процента, услуг – 13,3 процента. Положительное сальдо внешнеторгового оборота составило 883,1 млн. долларов США. Государственный бюджет выполнен с профицитом в 1,2 процента к ВВП. Уровень инфляции составил 3,5 процента.**

О чем говорят эти цифры? Прежде всего о том, что мы **надежно закрепили тенденцию устойчивого экономического роста валового внутреннего продукта, промышленной продукции и сельского хозяйства как важнейших макроэкономических показателей.**

Здесь важно отметить, что свою положительную роль сыграли принятые по инициативе Президента страны в конце прошлого и начале текущего года законодательные и нормативные акты по резкому сокращению проверок, сокращению статистической и финансовой отчетности, внедрению судебного механизма наложения санкций, которые обеспечили более широкое развитие малого бизнеса и предпринимательства. Объем выдаваемых банками кредитов составил 240 млрд. сумов. Число действующих предприятий малого бизнеса увеличилось почти на 25 процентов, а их доля в ВВП возросла на 32 процента.

В рамках стратегии ускоренной модернизации и технического перевооружения базовых отраслей экономики создан **Фонд реконструкции и развития Республики Узбекистан, который уже подтвердил свою жизнеспособность.**

В текущем году значительно вырос удельный вес нецентрализованных инвестиций. Что больше всего ценит деловой мир в своих партнерах? Любой бизнесмен, не задумываясь, ответит так: стабильность и предсказуемость. У нас это есть и доказано не одним годом, а всем пятнадцатилетним существованием нашей независимости. Поэтому инвестирование имеет **устойчивую тенденцию к росту и расширению.** Сегодня особенно успешно осуществляются проекты с российскими компаниями в нефтегазовой отрасли. Завершается ряд проектов в текстильной промышленности.

Свое положительное влияние на рост экономики оказали меры по углублению приватизации, структурной перестройке экономики, опережающие темпы развития наукоемких отраслей, внедрение новых и новейших технологий.

В этой связи нельзя не отметить все возрастающие темпы роста сельскохозяйственного производства. Главная причина которых кроется в успехах фермерского движения. В этом году 81 процент выращенного урожая зерна заготовлен фермерскими хозяйствами. Хлеборобами Узбекистана совершен поистине героический трудовой подвиг, который, как сказал глава нашего государства, **«укрепит нашу уверенность в завтрашнем дне»**, и потому, говорит он далее: **«Мы низко кланяемся нашим трудолюбивым дехканам, которые прошли через множество испытаний, и еще раз благодарим их за трудовой подвиг».**

Здесь важно подчеркнуть следующее. Фермерское движение было под постоянным вниманием Президента страны. Благодаря его заботам на селе шел активный процесс утверждения и развития частной собственности, в силу чего уже сегодня можно сказать, что дехканин почувствовал себя полным хозяином земли.

Неоценимую роль в деле наращивания темпов развития сельского хозяйства сыграла организация работы на селе в соответствии с новым законодательством и требованиями рыночной экономики. Под неослабным контролем правительства находились вопросы обеспечения фермерского движения всем необходимым.

Большое внимание на заседании Кабинета Министров было уделено вопросам социальной защиты различных слоев населения, в том числе и военнослужащих.

Итоги первого полугодия, несомненно, радуют нас, вдохновляют на новые свершения в труде и воинской службе. Но не только о достижениях шла речь на столь ответственном форуме исполнительной власти, но и о недостатках в работе, имеющихся проблемах на путях их устранения, с тем чтобы с большей энергией и более высокими темпами продвигаться вперед по пути обновления и прогресса на основе тех приоритетов и ориентиров, которые были указаны в докладе Президента страны Ислама Каримова на заседании Кабинета Министров 10 февраля 2006 года.

**На заседании обсужден комплекс вопросов по обеспечению надлежащей подготовки отраслей экономики и всей социальной сферы к предстоящему осенне-зимнему периоду.** Главное – не допустить повторения ошибок прошлого года. Качественно и основательно подготовиться к новому сезону. При этом было подчеркнуто, что особая ответственность возлагается на 3026 ТЧСЖ, действующих в новых условиях и в соответствии с новым законодательством.

Таковы наши успехи и достижения к 15-й годовщине независимости. Они реальны, значительны, ощутимы. Они вызывают чувство гордости за успехи страны и дают нам право все больше осознавать себя составной частью мировой цивилизации, а свою страну – достойным членом мирового сообщества, в полной мере ответственными за мир и стабильность в стране, регионе и мире в целом, за наш общественно-политический и экономический рост, за торжество идей независимости. **Народ, взявший себе на вооружение идеи независимости, – велик и непобедим. Он может уверенно смотреть в будущее.**

Успехи нашей Родины на пути независимости вызывают чувство гордости у всех узбекистанцев и их друзей за рубежами родной страны. Они вдохновляют воинов Вооруженных Сил на новые ратные дела и подвиги во имя родной Отчизны. Успехи Родины – это побудительные силы для каждого военнослужащего. Они согревают сердца воинов, укрепляют их веру в наше святое дело, формируют патриотизм, закаляют национальную гордость. Поэтому всем военнослужащим надо с максимальной пользой использовать каждую минуту учебного времени, настойчиво овладевать наукой побеждать. Постоянно закалять себя морально и психологически, формировать у себя такие высокие морально-волевые качества, как выдержка, самообладание, самоотверженность и стойкость, инициатива и мужество, способность принимать решения и умение действовать наверняка в самой сложной обстановке или в экстремальных условиях. Долг каждого военнослужащего – сознательно, настойчиво и последовательно, каждый день добиваться весомого результата, готовить себя к самым серьезным испытаниям, быть всегда начеку, всегда в боевой готовности.

**Анфим ХЛЫЗОВ.**

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, ҳақиқий миллий равнақка биз фақат фуқаролик жамияти шарофатидангина эришмоғимиз мумкин.

Мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий тамойилларидан бири халқ ҳокимиятчилигидир. Республикада халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ҳисобланади.

Халқ давлатни бошқаришни бевосита ёки Ўзбекистон Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайланган вакиллари орқали амалга оширади.

Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти иш олиб бориши мумкин. Давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг муҳим тамойилларидан бири давлат суверенитетидир. Давлат суверенитети – давлатнинг ўз ички ва ташқи сиёсатини олиб боришдаги тўла мустақиллигидир.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий – давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини белгилайди. Ўзбекистоннинг давлат чегараси, ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир. Ватан ҳимояси ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг бурчидир.

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини ўз халқи тарихи, унинг руҳияти ва менталитетидан келиб чиққан ҳолда танлади. Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт йўли давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган мамлакат ислоҳотларининг беш тамойилида таърифлаб берилди.

Биринчидан, иқтисод сиёсатдан устун бўлиши, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи этишни таъминлаш керак.

Иккинчидан, давлат асосий ислоҳотчи бўлиши, энг муҳим соҳаларни белгилаб бериши, ислоҳотлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчил амалга оширищи, жаҳолатпарастлар ва консерваторларнинг қаршилигини енгиши лозим.

Учинчидан, қонуннинг устуворлиги. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларни истисносиз ҳамма фуқаролар ҳурмат қилишга ва уларга риоя этишга мажбурдирлар.

Тўртинчидан, фуқароларнинг нуфузини эътиборга олиб, кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилиши керак. Аҳолисининг 60 фоизини 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил этадиган Ўзбекистонда бу алоҳида аҳамиятга эга.

Бешинчидан, бозор иқтисодига ўтиш иқтисодиётнинг объектив қонунларини эътиборга олиб, пухта ўйлаб ва босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Мавжуд қонунларга биноан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, Олий Мажлис ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эга.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари сессияларида кўрсатилади. Халқ депутатлари вилоят кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг вилоят органлари томонидан ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари сессияларида кўрсатилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш ҳамда вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

Суверен демократик республика – Ўзбекистоннинг давлат ҳокимияти тизими – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қуйи ва Юқори палаталардан иборат. Қуйи палата – Қонунчилик палата, Юқори палата – Сенат, деб юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (Қуйи палата) ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қуйи – Қонунчилик палатаси мажлислари сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан келгуси йилнинг июнь ойи охирги иш кунига қадар ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади.

Мамлакат Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (Қуйи палата) ва Сенатдан (Юқори палата) ташкил топган. Олий Мажлиснинг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, юз нафар Сенат аъзоси (сенатор)дан иборат. Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий ҳокимликлар депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 6 кишидан вакил сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган, алоҳида хизмат кўрсатган фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганида, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатнинг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганида уларнинг қўшма мажлислари ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати ўз ваколатига кирган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига юборилади. Сенат томонидан маъқулланган қонун имзоланиш учун ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади. Тақдим этилган қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўттиз кун ичида кўриб чиқилиб, имзоланади ва матбуотда эълон қилингач, қонуний кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қабул қилинган қонун Сенат томонидан рад этилса, Қонунчилик палатасига қайтарилади. Агар қонун қайта кўриб чиқилганда Қонунчилик палатаси депутатларининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.





Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари Сенат аъзолари орасида тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилинган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатини тарқатиб юбориши мумкин. Уч ой муддатда ҳар икки палатага сайлов ўтказилади. Мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда қонунчилик Олий Мажлис палаталари тарқатиб юборилишига йўл қўймайди.

Давлат ҳокимияти бошқарувини ташкил этишда маҳаллий ҳокимиятлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органларидир.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ўз ҳудудларида давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишга раҳбарлик қиладилар, иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш режаларини, маҳаллий бюджетни тасдиқлайдилар, ўзларига бўйсунадиган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолиятига раҳбарлик қиладилар, қонунларга риоя этилишини, давлат ва жамоат тартиби, фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилинишини таъминлайдилар, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ёрдам берадилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси:**

Бюджет ва иқтисодий илоҳотлар масалалари;

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари;

Меҳнат ва ижтимоий масалалар;

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари;

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар;

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари;

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология;

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари;

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари;

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати:**

Бюджет ва иқтисодий илоҳотлар масалалари;

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари;

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари;

Ташқи сиёсат масалалари;

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари;

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталаридан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Президент Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади. Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қасамёд қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади.

Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган (1997 йил 26 декабрь ва 1999 йил 19 августда қўшимчалар киритилган) «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Ваколат муддати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Ўзбекистон Республикасининг Президенти умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди. Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунлар ижро этилишига, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди. У ўзининг ваколатига кирувчи давлат ва хўжалик бошқарувининг барча масалаларини ҳал этишга ҳақлидир. Вазирлар Маҳкамасининг раиси Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фаолиятига раҳбарлик қилади.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Давлат ҳокимияти бошқарувини ташкил этишда маҳаллий ҳокимиятлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органларидир.

Суд ҳокимияти Ўзбекистон Республикасида одил судловни амалга ошириш мақсадида ташкил этилади ҳамда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат ташкилотларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Мамлакатимизда халқ ҳокимиятчилиги асосида тузилган давлат бошқарув тизими кўп миллатли Ўзбекистон халқига давлат бошқарувида, қонунчиликда, ҳуқуқий-демократик давлатни тузишда, мулкчилик формаларини шакллантиришда катта имкониятлар яратиб бердики, бу – соф демократиянинг амалда намоён бўлишидир.

**ЭСЛАТМА: Машғулот ва семинар-(мунозара) пайтида «Истиқлолнинг буюк йўли», «Мустақиллик майдони», «Табаррук замин» ва бошқа мавзуга оид ҳужжатли видеофильмлар, Мудофаа вазирлиги тарбиявий ишлар бош бошқармаси томонидан тайёрланган видеомаърузалар намойиш этилади.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.**

# КУРАШЛАРДА ТОБЛАНГАН ХАЛҚ

**Мамлакатимизда мустақил тараққиёт йўлида ўн беш йилдан буён кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Истиқлол бизни янгича яшашга ва фикрлашга ўргатмоқда ва ҳар бир инсон ҳаётига ўзига хос ўзгаришлар олиб кирмоқда.**

Вақт ўтган сари мустақиллик моҳиятини англаш, идрок этиш имконияти ҳам ошиб бормоқда. Албатта, мустақилликнинг инсон ҳаётидаги маданий-маънавий ўрни, аҳамияти нимада эканлиги тўғрисидаги бугунги тасаввурларимиз билан бундан ўн-ўн беш йил олдинги қарашларимиз бир хил эмас. Дастлаб у айрим кишилар онги, тафаккури даражасида англашилган бўлса, бугун мустақиллик жамиятнинг турли қатлами, миллат ва элат вакиллари томонидан тўла-тўкис идрок этилаётир. Мустақилликни англаш ижтимоий онг даражасига кўтарилган. Бу бизнинг ўтган йиллар давомида эришган энг муҳим ютуғимиз ҳамдир.

## МУСТАҚИЛЛИК ҲАДЯ ҚИЛИНМАЙДИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларида айрим кишиларнинг «Ўзбекистон собиқ СССР парчаланганидан кейин мустақилликни осонликча қўлга киритди», деган янглиш фикрларига ҳам дуч келгандик. Ўтган ўн беш йил давомида Мустақиллик халқимизнинг асрий орзулари ушалганлигини кўрсатди. Истиқлол йилларининг берган тарихий хулосаларидан бири ҳам «Озодлик, эркинлик шундай буюк неъматки, уни бировдан ҳадя қилолмайди. Озодликка фақат курашиб эришилади. Бино тепасига ўз байроғимизни тикиб, биз – мустақилмиз, дейиш ўта соддаликдир» (И.Каримов) деган муҳим ғоя ҳаётий ва тарихий аҳамиятга эга эканлигини чуқур англаб етдик.

Бу ўзлигини англаган одамларни мустақилликни асраб-авайлашга, ҳимоя қилишга ундайди. Ўзбекистон халқи учун мустақилликнинг ўн беш йили озодлик йиллари бўлган бўлса-да, уни муайян маънода «кураш йиллари» деб ҳам аташ мумкин. Озодликка осонликча эришиб бўлмайди. Зеро, озодликнинг фалсафаси шу маънода ўзгармасдир. Бу инсондан курашни, ақл-заковат, тажриба, фидойиликни, бунёдкорлик, яртувчанликни, изланишни, ўзлигини бахшида этишни талаб этади.

Курашиш дегани ўзаро муштлашишни, бир-бирига қарши туришни, ур-йиқит, инқилобларни эмас, озод яшашнинг осон эмаслигини, у инсондан юксак салоҳият, тадбиркорликни, тинмай изланишни, эл-халқ, Ватан учун меҳнат қилишни талаб этадиган ҳаётий фалсафа эканлигини англатади. Қолаверса, мустақиллик ҳеч қачон ҳадя қилинмайди. Бу истиқлолнинг бизга берган сабоғидир.

## ОЗОД ЯШАШ МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ички ва ташқи сиёсат олиб бораётганига ўн беш йил тўлаяпти. Албатта, бу бир йил ёки беш йил дегани эмас. Кекса тарих олдида ўн беш йил жуда қисқа давр. Лекин Ўзбекистон ўтган йиллар давомида мустақил яшашга қодирлигининг эътироф этилишини катта ютуқ сифатида баҳолаш керак! Бу, бир томондан, «Сизлар мустақил яшашга қодир эмассизлар, мустақил давлат сифатида сиёсат олиб бориб, ўзингизни бошқара олмайсизлар», деб миллат ва халққа нисбатан писандсизлик билан қараш кайфиятининг асоссизлигини англатади. Бу фахрланиш, фахрлана олиш туйғусига эга бўлишимизга асос бўлади.

Қолаверса, бу ўша даврда ўзининг сўзига эгалик қила олмаган айрим сиёсатдонларнинг Ўзбекистонни, унинг тарихини, миллий давлатчилик тажрибасини, меросини яхши тушунмаганлигини билдиради ва уларнинг қарашларини асоссиз, бирёқлама фикр, нохолис таъриф сифатида баҳолаш имкониятини беради. Бундай тоифа одамлар ҳам, айрим сиёсатдонлар ҳам бугун воқеликни тан олиб, Ўзбекистон билан, унинг раҳбарияти билан ҳисоблашмоқда, керак бўлса, унга иқрор бўлмоқда. Балки ўша даврда соғлом ақл эмас, «эҳтиросларга» устунлик қилгандир. Нима бўлганида ҳам бундай қарашлар «сиёсат» саҳнасидан ҳали-ҳануз тушиб кетган эмас. Олдин писандсизлик билан қараш мавжуд бўлган бўлса, энди Ўзбекистонни ичдан заифлаштиришга, танлаган тараққиёт йўлидан ағдаришга уринишлар, асоссиз ҳадиксирашлар учраб турибди.

Бир нарса маълумки, мамлакатимизда озод яшаш осон бўлмаслиги мустақилликнинг дастлабки йилларидан аниқ ҳисобга олинди. Истиқлолга хавф-хатар туғдирадиган таҳдидларга қарши чоратадбирлар ишлаб чиқилди ва чиқилмоқда. Натижада мамлакатда белгиланган демократик ислоҳотларни амалга ошириш учун зарур сиёсий барқарорлик, тинчлик муҳити яратилди.

Мустақилликнинг ўтган ўн беш йили эркин яшашнинг ўзи бўлмаслигини, бу жуда катта масъулият эканлигини кўрсатди. Зеро, мустақил яшаш мураккабликларининг ўзига хос жиҳати ҳам мавжуд. Бу кўпроқ ташқи омиллар билан боғлиқ бўлиб, мустақил тараққиёт йўлини кўра олмаслик, мамлакатларни, халқларни ўз таъсир доирасига тушириш ва ушлаб туриш, турмуш тарзимизга ёт, бегона қадриятларни олиб киришга уриниш кайфияти сақланиб қолмоқда. Давр ўзгаряпти, одамларнинг онги, тафаккурида мустақилликни англаш, қадрлаш масъулияти ортаяпти. Лекин буни ҳис этган ҳолда айрим сиёсий кучларда янгича қараш, ёндашув, сиёсатда амал қилиб келган анъанавий «зўравонлик» билан боғлиқ руҳиятнинг ўзгариши қийин кечаяпти. Манфаатларни бир томонлама ҳисобга олиш натижасида, у ҳоҳиш ва истаклигича қолмоқда.

Мустақилликдан улуғ неъмат йўқ. Шундай экан, бу йўлдаги ҳар қандай мураккабликни енгиб ўтиш ўта масъулиятли иш. Бу миллий ғурур, шаън, қадр-қимматни англаш билан ҳам боғлиқ. «Аммо, янгича сиёсат юритиш, янгича фикрлаш ғоят мураккаб ва бир кунда ҳал бўладиган иш эмас. Бунинг учун анча вақт ва масъулият керак. Замон олдида, халқ олдида, жамият олдида масъул эканлигимизни ҳар дақиқа теран ҳис этмай бўлмайди» (И.Каримов). Мустақиллик йиллари бунинг нечоғли олдиндан кўриб айтилган фикр эканлигини исботлаб бермоқда.

Ҳаётда осон нарсанинг ўзи йўқ. Мустақил яшаш ҳам бундан истисно эмас. Шундай экан, ҳеч кимнинг хотиржамликка берилишга, ташқаридан эҳсон кутишга ҳақи йўқ. Ўзига, ўзининг кучига, маърифатига ишониб иш кўрувчи, ўз миллий-маданий мероси ва қадриятларига таянган халқ дунёдан ажралиб қолмайди!

## ТАРИХ САБОҒИ

Мустақиллик туфайли одамларнинг онги янгиланиб, ўзига бўлган ишончи ортиб бормоқда. Эркинликни ҳис этиш, қадрлаш туйғулари миллий ўзликни англаш билан уйғун кечмоқда. Мустақиллик берган буюк неъмат шундаки, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, озод ва обод Ватанда яшаш мақсадлари, ҳар бир кишининг шуурига, қалб амрига айланмоқда.

Инсон учун Ватаннинг озодлигидан, озод яшашдан улуғ мақсад йўқ. Энг муҳими, бу мақсадга қандай эришиш аҳамиятли. Мустақиллик йиллари шунга ўргатдики, инсон ўзининг маънавиятидан, миллий-маданий негизларидан маҳрум бўлса, унинг Ватани озод бўлмайди. Маънавий жиҳатдан эркин бўлмаган инсон ҳеч қачон озод яшашни англамайди. Ватан озод бўлиши учун, аввало, инсон озод бўлиши, озодликни ҳис этиши, озод яшашнинг афзаллигини англаши, ишонч ва эътиқоди мустаҳкам бўлмоғи лозим.

«Миллатни йўқ қилиш учун уни қириб ташлаш шарт эмас», деган ғоя туфайли миллатнинг тили, ишонч ва эътиқоди, диний қадриятлари, урф-одат ва анъаналарини, маданияти, миллий-маданий мероси негизлари ўзгартирилди. Унинг ўрнига ёт ва бегона бўлган турмуш тарзи, урф-одат ва қадриятларни олиб киришга уринилди. Тарих, миллат ва халқларнинг ҳаётида бу ғоя қандай салбий оқибатларни келтириб чиқаргани Ўзбекистон халқи ўтмишидан ҳам ҳаммага аён. Буни, албатта, бугун эндигина ўн беш ёшга тўлган ёки йигирма-йигирма беш ёшли йигит-қизлар аниқ тасаввур эта олмайдилар. Уни фақат китоблар, айрим кинофильмлар орқали ўқиб ёки кўриб хулоса қилишлари мумкин. Лекин шу ҳаётий воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлган, шу даврда яшаган инсонлар буни аниқ идрок этадилар. Бу ғоянинг қандай зуғум ва зўравонлик асосида амалга оширилганини яхши эслайдилар.

Мустақиллик озод Ватан, озод яшаш каби муқаддас қадриятларни ҳаётимизга қайтарди. Буни англамаслик, фарқламаслик ва қадрига етмаслик мумкин эмас! Тўғри, мустақилликнинг ўтган йиллари ҳам биз учун силлиқ ва равон кечгани йўқ. Олдин СССР деб аталган мамлакатнинг таъсири доирасида озод яшаш мақсадлари сохта кўринишга эга бўлган бўлса, мустақиллик шароитида ҳам «глобаллашув» ва «сохта демократик ақидалар» ҳамда «ғарбона ҳаёт тарзи», урф-одат ва анъаналарини, маданиятини мамлакатимизга олиб киришга, демократиянинг «яккаю-ягона модели»ни экспорт қилишга уринишлар давом этаётир. Бу эса миллат маданиятини йўқотишга бўлган уринишнинг янгича кўринишидир. Аслида бу биз танлаган йўлимизга ҳам, энг олий мақсадимиз – озод Ватанда озод яшаш билан боғлиқ инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги қоидаларига ҳам мутлақо тўғри келмайдиган, айнан демократиянинг табиатига зид нарсадир.

Бугун «миллий давлатчилик», «миллий демократия», «Шарқ демократияси» ва «Ғарб демократияси» деган атамалар ўзига хос маъно ва мазмунга эга. Демократиянинг ҳамма халқлар ва мамлакатлар учун мутлоқ ягона андозаси йўқ. Дунёни ягона жамиятга олиб боришни даъво қилган «Коммунизм ғояси» қанчалик мантиққа зид ҳодиса бўлса, бугунги демократик тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусиятлари билан ҳисоблашмаслик ҳам демократиянинг миллий-руҳий негизини, халқларнинг миллий-маънавий қадриятларини тан олмасликка олиб борадиган йўлдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Мустақиллик ҳар бир инсон ҳаётида сув ва ҳаводек зарур бўлган озодлик, демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб берди. Инсонни мустақиллик ҳамма нарсадан азиз ва улуғ неъмат эканлигини англашга, қадрлашга ва қадрлай олишга ўргатди.

Қолаверса, мустақилликни қўлга киритишга қараганда уни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш, ҳимоя қилишнинг мураккаблиги осон эмаслигини ҳам англаб олдик.

Шунингдек, истиқлолимизнинг ўтган йиллари онг ва тафаккуримизни ўзгартирди. Бу эса янгича турмуш тарзи, эркинлик ва фаровонликни таъминлашда ҳар бир кишининг ички имкониятларини юзага чиқарди. Одамлар мустақилликнинг фаол субъектига айланиб бормоқда.

Бундан ташқари, мустақиллик бизни яна бир муҳим нарсага – Ватан равнақи учун чала иш қилмасликка ўргатмоқда. Ўтган давр Ватан тўғрисидаги тасаввурларимизни аниқлаштирди, бойитди. Энди қаерда туғилганимизни ва яшаётганимизни ҳам, биз яшаётган Ватаннинг тарихини, бой маданий меросини яхши биламиз. Унинг бир бўлаги сифатида ўзимизни англашга, қадрлашга, қадрлай олишга ўрганмоқдамиз. Бу – жуда катта ютуқ.

Мустақилликнинг ўтган ўн беш йили мустақил яшашга ва яшай олишга қодир эканлигимизни, бунинг учун ақл, тажриба ва салоҳиятимиз етарли эканлигини исботлади. Бугун Ўзбекистон ўтган ўн беш йилда мустақил давлат сифатида дунёда демократик давлат қуриш жараёнларининг ривожига ўзига хос «модели» билан кириб келди ва уни янада бойитишга ҳисса қўшмоқда. Бу мустақиллигимизнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади ҳамда истиқболда унинг ривожи учун янги имкониятлар яратиб беради.

**Ибодулла ЭРГАШЕВ,**
**сиёсий фанлар доктори,**
**профессор.**
**(«Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил, 21 июль сонидан олинди).**

# БЕЗ ПРАВА СОВЕРШИТЬ ПОСЛЕДНЮЮ МОЛИТВУ

**(Продолжение. Начало в предыдущих номерах).**

Лжецы выхватывают из разных сур Корана отдельные строки, смешивая их, и, достигнув сиюминутного эффекта, превращают простаков в малограмотных фанатиков-бандитов, прикармливаемых околорелигиозными рассуждениями и лживыми лозунгами, не имеющими ничего общего с истинным исламом. И еще... в развитии своего лицемерия вы и подобные вам становитесь настолько изобретательными и изворотливыми, что находите оправдание своим преступлениям в самих строках Корана, интерпретируя эти строки в удобном для вас смысле.

Со временем большинство обманутых осознают, что их используют в чьих-то политических целях, но кровавое прошлое для человека необратимо, и это одно из самых страшных наказаний Аллаха. И тогда над вами начинает властвовать страх – незримый спутник и частица жизни бандита. Вы и молитесь только из страха за содеянное зло в надежде на прощение Аллаха. Но вы испытываете страх и перед людьми, которые спрашивали вас в минуты творимых вами кровавых расправ:

– Как можно убивать человека, держа в руке Коран и произнося имя Аллаха?

Бахром, все ваши молитвы фальшивы и порочны, ведь в них вы всегда просите себе прощение для сокрытия своих кровавых грехов, творимых на земле якобы во имя Аллаха. Но... в ваших действиях нет Его благословения. Сегодня это понимают все.

Кто из вашего окружения посвятил себя религии, обратившись к своей совести только для того, чтобы понять смысл слов, написанных в Коране? Кто из вас сменил жирную и богатую пищу под крышей дворцов на сухую корку хлеба и глоток простой воды под небом, которое не отвлекает отшельника, готового только ради одного понимания истины Аллаха отказаться от мирских утех? Кто из вас, осознав хотя бы часть истины, заложенной в Коране, вернулся в мир людей для того, чтобы передать им частицу своего озарения? Нет среди вас этих людей, и нет у вас этих имен, потому что вы бандиты, навязывающие свое мнение с оружием в руках и заливая строки Корана кровью таких же мусульман, как и вы.

С завершением ваших молитв кончаются и ваши отношения с Аллахом. Возмездие в любой форме пугает вас, потому что ваша фальшь очевидна Аллаху, который воздаст вам за каждую каплю несправедливо пролитой крови людей.

Я считаю себя мусульманином, и я не атеист, как может вам показаться. Я верю в Аллаха-созидателя, и мне нет разницы, разделяет мои представления русский, или еврей, или представитель другой нации, потому что каждый человек имеет право на свой выбор имени Бога и собственное понимание Его величия и мудрости. Аллах разделил род людской на разные народы, и они, по его замыслу рассеявшиеь по земле, должны прийти к одному пониманию Его сути. В этом основа любой религии и ислама в том числе. Но не это является лозунгом вашей кровавой бойни здесь или в любой другой точке мира, где подобные вам хотят установить удобную для себя трактовку ислама.

Ваше звание – не моджахед, вы никак не тянете на это звание по своей духовности и религиозному образованию. Ваше звание – бандит или, как принято говорить, террорист, хотя этот термин скорее дань уважения официальному языку Уголовного кодекса.

И никакими изначальными лозунгами о народном движении или призывами к изменению государственного строя вы не сумеете прикрыться от звания бандит. И знаете почему? Ни у вас, ни у ваших лидеров и идеологов нет и не может быть программы, доступной пониманию современного человека; так, только ссылки на Коран с призывом соблюдения законов шариата, в котором вы, скорее всего, ничего не смыслите, тем самым дискредитируя сам ислам. Но даже этого вы никогда не поймете в своем кровавом невежестве и... жажде властвовать над людьми. Для меня вы подследственный, и я не имею права на эмоции, но мне по-человечески жалко мой народ, погрязший в лживом мракобесии подобных вам религиозных извращенцев.

Бахром был поражен тем, что услышал. Все соответствовало истине. Истине, которая в последнее время искрой вспыхивала во мраке его собственного сознания, освещая необузданную человеческую жажду обладать властью над людьми.

**8.** В один из дней в базарной толпе Файзи заметил Одила. С Ризвоном он расстался, когда его, раненого, боевики оставили в приграничном с Таджикистаном афганском селении на попечении бедной семьи, щедро заплатив ей. О его дальнейшей судьбе боевики ничего не знали, а он, окрепнув после ранения и не имея достоверной информации о Ризвоне, со многими трудностями вернулся домой в Душанбе, где жили его родители и старшие сестры, давно потерявшие надежду на возвращение сына и брата. Он не стал рассказывать родителям, откуда пришел и чем занимался последние три года, и они, понимая, что сын не просто так молчит, распространили среди соседей слух, что сын вернулся из России, где был на заработках. Его дядя, участковый милиционер, заплатив хорошие деньги, помог получить племяннику новенький паспорт.

> БАХРОМ БЫЛ ПОРАЖЕН ТЕМ, ЧТО УСЛЫШАЛ. ВСЕ СООТВЕТСТВОВАЛО ИСТИНЕ.

Одил молился пять раз в день, чем очень удивил своих домашних: в их доме к религии относились уважительно, но никто никогда не молился. Поведение молодого парня не осталось незамеченным и для его семидесятилетнего деда, приехавшего из Ходжента, но после двухчасовой беседы с внуком он попросил сына и невестку поменьше расспрашивать Одила о прошедших трех годах. Через несколько дней отдыха родители устроили сына по его же просьбе на работу в небольшую типографию, расположенную недалеко от дома.

В тот день Файзи не сразу подошел к Одилу. Наблюдал за ним издали, и только пройдя два квартала, он решился его негромко окликнуть. Одил сразу узнал Файзи. Они осторожно поприветствовали друг друга, потом сели на скамейку, и Одил, не спеша, стал рассказывать о том, как жил, начав с того дня, как его оставили раненого в афганском селении. Закончив свой рассказ, он вопросительно посмотрел на Файзи, который не решился с первой, неожиданной встречи говорить о том, что Ризвон в Душанбе. Но Одил знал, что Файзи был доверенным человеком командира, и не сомневался, что Ризвон жив и сейчас находится в городе.

После дневной встречи с Файзи Одил не спал всю ночь, вспоминая дни, проведенные в отряде Ризвона, да и не только эти дни. Во время зимних школьных каникул он, пятнадцатилетний мальчишка, гостил у своей тетки в приграничном с Афганистаном таджикском селении. В одну из зимних ночей он с толпой беженцев-сельчан, спасясь от напавших на селение вооруженных бандитов, пересек вброд приграничную реку. В ту ночь с ним была и его тетка. Семьи у нее не было, а он, плохо понимая происходящее, полностью доверился инстинкту взрослых людей, спасающих себя и свои семьи на чужой земле. Потом был лагерь таджикских беженцев, беспризорное скитание по чужим палаткам, голод и болезни. Он мечтал вернуться домой, но как? Никому не было дела до одинокого мальчишки, вечно голодного и оборванного. Сами взрослые были в полной растерянности от происшедшей с ними трагедии и понимания, что сегодня они не нужны государству, которое в течение десятилетий называло их своими сыновьями и дочерями. Они не были нужны и правительству Афганистана, и без них запутавшемуся в клубке противоречий и споров собственного многоэтничного народа, находящегося во власти разномастных религиозных течений, пытавшихся все решить властью оружия и денег.

Однажды, нищенствуя на базаре небольшого афганского городка, Одил заметил группу мужчин, одетых в добротную военную полевую форму американского образца. Они хором уговаривали какого-то молодого парня пойти с ними, обещая накормить, дать одежду и отправить в Душанбе. Парень смеялся и отказывался от предложения, утверждая, что он местный афганец, а не таджик и ему нечего делать в Душанбе, его родина Афганистан.

Одил подошел к мужчинам и спросил, правда ли то, что они говорят, и, услышав утвердительный ответ, попросил помочь ему добраться до Душанбе. Его посадили в крытый кузов грузовика и через четыре часа привезли в Кабул. В машине кроме него было еще трое незнакомых ребят, по возрасту чуть старше его. В дороге все молчали, каждый был занят своими недетскими мыслями, совершенно не интересуясь, кто сидит рядом.

Их поселили в большом добротном доме. После бани каждому юноше выдали свежее белье, комплект спортивной одежды. Но больше всего Одила поразила отдельная небольшая комната, куда его поместили на ночь. Он с трудом верил, что подобное могло вернуться в его жизнь, надеясь, что это чудо не растает с утренним рассветом.

Ночью в комнату вошли двое незнакомых мужчин. Он сопротивлялся, плача от бессилия, но силы были неравными. Получив сильный удар в голову, Одил потерял сознание.

Утром четверых мальчишек собрали в большом спортивном зале, где они долго сидели молча, с опущенными в пол глазами, полными слез, не произнося ни слова. В зал вошел незнакомый мужчина, одетый в полевую форму офицера пакистанской армии, и сказал им, что их повезут в горы, где они будут учиться в специальной школе по подготовке моджахедов. Он долго рассказывал им о джихаде, о том, что быть моджахедом почетно для мусульманина и не каждому дано такое счастье.

**Айдын ГУДАРЗИ.**
**(Продолжение следует).**

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ

Давлатимизнинг мудофаа қудратини, Қуролли Кучлар шайлиги, шахсий таркибининг жанговар тайёргарлиги ва касб маҳоратини ошириб бориш, қисқа қилиб айтганда, профессионал армияни ташкил этишга қаратилган қонунлар билан бир қаторда, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофазалашга қаратилган бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни шулар жумласидандир. Қуролли Кучларнинг Умумҳарбий низомларида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофазалаш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда қисмлардаги жанговар шайликни таъминлашга қаратилган тартиб-қоидалар белгилаб қўйилган.

Чунончи 2002 йилдан бошлаб 20 дан ортиқ ҳукумат қарорлари қабул қилинди ва уларга мувофиқ ҳарбий унвонлар бўйича маошлар 2 баравардан кўпроқ оширилди, турли тоифалардаги ҳарбий хизматчилар учун мансаб маошларининг янги миқдорлари белгиланди.

Қуролли Кучларнинг ҳар хил турлари ҳарбий хизматчиларининг касб маҳорати ўсишини рағбатлантириш мақсадида аъло хизмат, малака даражалари учун пул мукофотининг қўшимча турлари ҳамда иқлим шароитлари оғир бўлган жойлардаги хизмат учун ҳудудий коэффициентлар тўлаш белгиланди, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ойлик пул таъминоти 2 баравардан ортиқ кўпайтирилди, улар резервга бўшатилганида бериладиган нафақа энг кам иш ҳақининг 0,4 қисмидан 8 бараваригача оширилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг овқатланишини ташкил этиш, уларни озиқ-овқат билан таъминлашнинг замонавий меъёр ва талаблари белгиланди. Турар-жойлар ижараси учун компенсация миқдорлари ўрта ҳисобда 50 фоиз оширилди. Ҳарбий қисмларнинг инфратузилмасини такомиллаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун замонавий ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш бўйича турли дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Қайд қилинган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бир қанча қарорлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 июнь кунидаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида асосан Қуролли Кучларнинг белгиланган тартибда тураржой билан таъминланмаган ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш кўзда тутилган.

Ўзбек миллий маънавиятидаги энг ажойиб хусусиятлардан бири ҳаётнинг кўп мушкулотларини кечиримлилик ва ярашув йўли билан ҳал қилишдир. Гина-кудурат, ҳасад, хусумат, адоват, ҳаттоки, авлоддан авлодга ўтиб кетадиган қасос туйғусига ҳам кечирим ва ярашув барҳам беради. Ярашувга келишмай қолган, ўзаро даъвогар, жанжаллашган икки шахс ёки икки томон ўзи табиий равишда келишиши мумкин. Ёки уларни дўстлари, маҳалла оқсоқоллари, қариндош-уруғлари ўртага тушиб яраштириб қўйишади. Шу билан олам гулистон. Кечиримлилик ва ярашув гина-кудурат, ҳасад, хусумат, адоват, қасоскорликни тинч йўл билан бартараф этади. Душманликнинг пайини қирқади. Жамиятдаги маънавий муҳитни тозалайди. Афсуски, кўп одамлар кечиримлилик ва ярашув имкониятларидан фойдаланишмайди. Натижада гина-кудурат, ҳасад, хусумат, адоват, қасоскорлик туйғулари кучаяди. Араз, жанжал, келишмовчилик кўпаяди, узоқ давом этади. Бу жамиятдаги маънавий муҳитни заҳарлайди. Одамлар – дўстлар, қариндош-уруғлар, маҳалла фуқаролари орасини бузади. Жамиятдаги тинчлик, осойишталик барҳам топади. Бундай фаолият ва феълатвор бизнинг мусулмон мафкурамизга зиддир. Аксинча, Ҳадиси шарифларда айтилиши бўйича, мусулмоннинг мусулмон билан аразлашиб юриши уч кундан ортиққа чўзилмаслиги керак. Халқнинг оғзида «Дўсту душман билан муросаи мадора қил», деган нақл ҳам юради. Бунинг маъноси шуки, дўстлар билан, албатта, яхши муносабатда бўлиш ва ҳатто, душманлар билан ҳам келишиб яшаш лозим. Маънавиятимиздаги ушбу олижаноб хусусият ҳуқуқий нормаларга татбиқ этилмаганлиги учун ҳам, эҳтимол, ҳаётда мураккабликлар кўпдир. Ана шу жиҳатдан Жиноят-процессуал кодексининг «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш» сарлавҳали янги 62-боб билан тўлдирилганлиги таҳсинга сазовор бўлган.

Кодекснинг мазкур бобга тегишли 582-моддасида шундай дейилади: «Ярашганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг 66-1 моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши мумкин». Бу модданинг аҳамияти шундаки, маънавиятимиздаги биз тавсифлаган хусусият ҳуқуқий мақомга кўтарилган. Демак, ҳуқуқ маънавият билан бойиди, кучайди. Энди маънавий ҳодиса бўлган ярашув ҳуқуқий-маънавий ҳодисага айланди. У эндиликда ҳуқуқий нормалар таркибида фаолият кўрсатиб, жамият маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаверади. Энг муҳими шундаки, бу ҳодиса жиноий жазоларни енгиллаштиришга ва жиноятни камайтиришга ёрдам беради.

Суд жараёнида ярашув шундай роль ўйнайди ва ярашган томонлар шундай имкониятга эга бўладики, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили ярашув тўғрисида ариза ёзади. Аризада даъвогар етказилган зиён бартараф этилганини, ярашилганини кўрсатади ва шу муносабат билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тўхтатишни илтимос қилади. Аризани у суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида топшириши мумкин. Бу ярашувнинг эркин ва ихтиёрийлигини таъминлайди. Даъвогарда суд жараёнининг охирги босқичигача бемалол ўйлашга имконият бор. Аммо у ярашув аризасини суд маслаҳатхонага киргунга қадар топширса, яхши бўлади. Чунки суд маслаҳатхонага кирганда қатъий тўхтамга келади ва ҳукм чиқаришга киришади. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 июнда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишининг асосий моҳияти ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштиришга, уни амалга оширишнинг якунловчи босқичида ташкилий-амалий тадбирларни кучайтиришга қаратилган. Ушбу Фармойиш ижроси қонунда адолат устуворлиги, изчиллиги ҳамда натижавийлигини таъминлаши шубҳасиздир.

Маънавият ва ҳуқуқнинг ана шундай туташ нуқталари кўпки, олимларимиз уларнинг устида ҳали кўп жиддий ишлашлари ҳамда ҳаётга татбиқ этишни кучайтиришнинг чора-тадбирларини ўйлаб кўришлари зарур. Хуллас, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан, қонунчилигимиз халқчиллашди, маънавийлашди ва унда адолат устуворлиги таъминланди.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**Тошкент давлат юридик институти профессори.**
**Камола АТАУЛЛО,**
**Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети IV босқич талабаси.**

# МАЪРИФАТ НИМАДИР, ЖАҲОЛАТ НАДИР?

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Яна бир мулоҳаза. Бозор иқтисодиётига ўтганимиз сари маърифатнинг асосий манбаи бўлган китобга эътиборимиз йўқолиб бораётгандек. Анқонинг уруғини ҳам топса бўладиган савдо марказлари қуриш авж олаётган бир замонда бironта ҳам китоб дўкони бўлмаган туманларимиз борлиги ачинарли ҳол эмасми?! Ҳатто пойтахтда ҳам китоб дўконлари камайиб кетган. Кичик-кичик хусусий расталарни ҳисобга олмаса, ўзбек тилидаги китоблар савдоси бўйича бор-йўғи иккита йирикроқ дўкон бор. Бири – «Шарқ зиёкори», иккинчиси «Маънавият» нашриёти дўкони.

Наҳотки, китобга бўлган эҳтиёж шу қадар камайиб кетган бўлса?! Ахир ҳар қандай ривожланиш, тараққиёт охир-оқибат илм-маърифатга бориб тақалиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат-ку!

Яқинда Олмониянинг Ҳалле деган шаҳарчасига хизмат сафарига борган бир дўстимнинг айтишича, атиги уч юз минг аҳолиси бор бу шаҳарчада ҳар қадамда китоб дўконига дуч келаси. Яна шаҳар марказидаги уч қаватли муҳташам дўконда ҳам китоб савдоси йўлга қўйилган. Унда жаҳоннинг турли тилларида чоп этилган энг ноёб нашрларни топиш мумкинлиги айниқса таҳсинга лойиқ. Энг муҳими, китоб дўкони доимо гавжум, олди-сотди авжида экан.

Абдулҳамид Чўлпон адабиётни «ўткур юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви», деб таърифлаган эди. Ахир, бадиий адабиётни ўқимаган, бу маърифат чашмасидан бебаҳра авлод қандай қилиб баркамол бўлиши мумкин? Ахир, китоб дидни, туйғуни тарбияловчи бетакрор манба экани маълум-ку!

Тўғри, бугун фаннинг энг илғор ютуқларидан Интернет сайтларию бошқа турли электрон воситалар орқали ҳам хабар топиш мумкин. Лекин улар зинҳор-базинҳор китобнинг ўрнини босолмайди. Дарвоқе, худди шу «сайтлар» орқали ёшларимиз онгини заҳарлайдиган, уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотлар ҳам тарқатилаётгани сир эмас-ку!

XIX аср сўнгида Зокиржон Фурқат бундай деб ёзган эди:

Жаҳон басти кушоди илм бирла,
Надур дилни муроди илм бирла.
Кўнгулларни сурури илмдандур,
Кўрар кўзларни нури илмдандур.

Ҳақиқатан ҳам, дунёдаги ҳар қандай «баста» – муаммони ечувчи калит – илм. Ҳар қандай кўнгилнинг муроди илм воситасидагина ҳосил бўлади. «Кўнгулларни(нг) сурури», «кўрар кўзларни(нг) нури» илмдан экани ҳам рост. Зеро, қайси халқ, қай бир миллат бугун тараққиётнинг ҳавас қиларли даражасида экан, бунга илм, маърифат туфайли эришган. Маърифат чиндан-да саодат калитидир.

## ЖАҲОЛАТ – ЗАВОЛНИНГ ДОЯСИ

«Жаҳолат»нинг луғавий маъноси – билимсизлик, нодонлик демакдир **(Навоий асарлари луғати, Т., 223-бет).** Орифлар истилоҳида жаҳолат – кўнгилнинг ўлими маъносини англатади. Уларнинг фикрича, бундай кўнгил ҳақиқатни англашдан йироқдир.

Саййид Сажжодийнинг ёзишича: «Жаҳлдан ўлган кўнгилни фақатгина илм нури тиргизиши мумкин. Илм нуридан мурод эса – маърифат. Лекин зоҳирий илм ҳали жаҳолатдан холи бўлиш, дегани эмас. Бинобарин, зоҳирий илмдан на кайфият ҳосил бўлади, на – ҳол. Илм иш билан вобаста бўлгандагина чинакам маърифатга эврилиши мумкин» **(Ўша китоб, 296-297-бетлар).**

Сажжодийнинг зоҳирий илм ҳали жаҳолатдан холи бўлиш эмаслиги ҳақидаги фикри ҳазрат Навоий қарашларига монанддир. Биргина далил. «Фарҳод ва Ширин»да улуғ шоир Фарҳоднинг илмда эришган мартабасини бундай таъриф этади:

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.

Яъни Фарҳод дунёдаги барча илмларни мукаммал ўзлаштириб чиқди. У билмаган, моҳиятига етмаган бирорта ҳам илм қолмади.

Шу ўринда бир жиҳатни таъкидлаш керак. Агар инсон камолоти учун илмнинг ўзигина кифоя қилганида, достон шу билан якунланса ҳам бўлар эди. Лекин асар энди бошланяпти. Барча илмларни эгаллаб бўлганидан кейингина Фарҳод ишқ изтиробларига дуч келади. Демак, Навоий назарда тутган ҳақиқат – илм билан ишқ мужассам бўлгандагина инсон чинакам комилликка эришмоғи мумкин.

Жаҳолат – кўнгилнинг ўлими, деган фикрни эсладик. Агар кўнгилки ўлса, инсоннинг бошқа аъзоларида тириклик асари қоладими? «Инсон вужудида бир парча гўшт бор, – дейилади муборак Ҳадислардан бирида, – агар у соғлом бўлса, бутун бадан соғлом бўлади. Мабодо у айниса, бутун бадан айнийди. Бу – қалбдир». Бинобарин, жаҳолат шу даражада оғир дард. «Жаҳолат тиғи», «жаҳолат зулмати», «жаҳолат ўпқони», «жаҳолат оташи» каби халқона иборалар замирида ҳам бу иллатнинг инсон учун нечоғли фожиали экани ўз ифодасини топган.

Абдулла Авлонийнинг ёзишича, «Жаҳолат – инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлиғидур. Маорифдан, фунун ва маданиятдан маҳрум қолган халқ жаҳолат панжалари орасида хамир каби эзилгандек, афъоли замимадан (ёмон хулқлардан) ҳам ўз нафсининг ёқасини бўшатолмас» **(Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Танланган асарлар. 2 жилдлик, 2-жилд, Т., Маънавият, 1998, 74-бет).**

Улуғ маърифатпарвар фикрича, жаҳолат икки хил бўлади: бири – жаҳли басит, иккинчиси – жаҳли мураккаб. «Басит»нинг маъноси – содда, оддий демакдир. «Жаҳли басит» маразига (касалига) мубтало бўлган кишилар бир нарсани билмаслар, аммо билмаганларини иқрор ва эътироф қилурлар, – деб ёзади Авлоний. – Шунинг учун бунинг давоси осон: фақат билмак ва ўрганмак йўлида жаҳду жадал қилмак ила бўлур» **(Ўша асар, 73-бет).**

Билмаслик унчалик катта айб эмас, ўрганишга интилмаслик – айб. Демак, киши бир нарсани билмасаю буни эътироф этса, ўрганишга саъй-ҳаракат қилса, жаҳолат исканжасидан қутулмоғи мумкин. Шунинг учун ҳам Авлоний буни «жаҳли басит» – жаҳолатнинг содда тури деб таърифлаяпти. Хўш, бунинг акси бўлса-чи?

«Жаҳли мураккаб» маразига мубтало бўлган кишилар бир нарсани билмас, билмаганини ҳам билмасдан «биламан», деб даъво қилур. Бизда мундай кишиларга «ўзбошимча», «ўзбилармон» исмини берурлар. Бу дарди бедавонинг иложи жаноби Ҳақнинг лутфу инояти ила ҳал ўлунмаса, тузалмоғи мушкул ва оғирдур» **(Ўша асар, 74-бет).**

Билмаслик, ҳатто билмаганини ўрганишга интилмасликдан ҳам оғирроғи – «биламан» деб даъво қилишдир. Буни Авлоний жаҳолатнинг бедаво тури – «жаҳли мураккаб» деб атаяпти. Худонинг лутфу инояти бўлмаса, бу дарднинг тузалмоғи душвор эканини таъкидлаяпти.

Яна бир маърифатпарварimiz Мунаввар қори Абдурашидхонов бир мақоласини «Бизнинг жаҳолат – жаҳли мураккаб», деб номлаган эди. «Ҳар миллат авлодини тарбиялаш ва таълими улумда кўрсатган ҳиммат ва ғайрати каби бизларда ҳам ўз маъсум авлодлари(нг) жаҳолат ва ғафлат зулматида қолмоқиға ҳеч бир ризолари ўлмай, қўлларидан келганча таълим ва тарбияти авлодда ҳиммат кўрсатмакчи зотлар мавжуддурлар. Валекин дунёга нима учун келганини билмай, илм ва маорифга асло рағбат қилмай, жонидан ширин болаларини кўчаба-кўча кездириб, бечора маъсумнинг азиз умрини жаҳолат оташина ёндирғувчи беҳамият ва бедиёнат оталар ҳам орамизда оз эмас» **(Мунаввар қори Абдурашидхонов, Танланган асарлар. Т., «Маънавият», 2003, 142-143-бетлар).**

**Нурбой АБДУЛҲАКИМ.**

**(Давоми бор).**

**ҚАЙСИ ХАЛҚ, ҚАЙ БИР МИЛЛАТ БУГУН ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲАВАС ҚИЛАРЛИ ДАРАЖАСИДА ЭКАН, БУНГА ИЛМ, МАЪРИФАТ ТУФАЙЛИ ЭРИШГАН. МАЪРИФАТ ЧИНДАН-ДА САОДАТ КАЛИТИДИР.**

# ТУРОНЗАМИН МАЛИКАЛАРИ



**(Давоми. Боши 1-бетда).**

У қабила подшосининг хотини бўлиб, эрининг вафотидан сўнг давлатни бошқарган. Бу пайтда массагетлар Амударё (Аракс) ва Қизилқумда ҳаёт кечирган. Эрондан келган босқинчилар қўшини билан дастлабки жангда Тўмарисининг ўғли Спаргалис (Сипарангиз) бошчилигидаги массагетлар ғолиб чиққан. Бироқ кейинги жангда форслар ҳийла йўли билан Спаргалис ва айрим жангчиларни асир олишгач, у ор-номусга чидай олмай ўзини ўлдиради. Лекин массагетлар маликаси ўғлининг ҳалокатидан эсанкираб қолмай, ўз халқининг манфаатини ўйлаб, Кир II дан юртидан чиқиб кетишини сўрайди. Аммо форслар шоҳи рад жавобини бергач, икки ўртада аёвсиз жанг бўлиб ўтади. Геродот ўз асарида жанг тафсилотини қуйидагича тасвирлайди: «Менинг билишимча, бу жанг варварлар ўртасидаги барча жанглардан ҳам даҳшатли бўлган. Аввал ҳар иккала қўшин бир-бирини узоқ масофадан туриб камондан ўққа тутдилар. Камон ўқлари тугагач, улар найза ва қилич билан курашдилар. Жанг узоқ вақт давом этди. Ниҳоят, массагетлар ғалаба қозондилар». Форс қўшинларининг асосий қисми, жумладан, Кир II ҳам жанг майдонида ҳалок бўлган.

Малика Тўмарисининг жасорати ва ҳарбий-сиёсий фаолияти тўғрисида халқ достонлари яратилган, жангнома ва ривоятлар тўқилган. Шу кунга қадар Тўмарис момо номи жасоратли аёл, матонат ва садоқат рамзи сифатида халқ орасида яшаб келмоқда.

## ЗАРИНА

Милоддан аввалги VII асрда саклар маликаси ва подшоси бўлган Зарина Мидия давлати билан Парфияга эгалик қилиш учун узоқ муддатли урушлар олиб борган. Ниҳоят, ўртада сулҳ шартномаси имзоланиб, ҳар икки томон дўст ва ҳарбий иттифоқ бўлишга келишган. Зарина ўзининг жанговарлиги, жасурлиги, уддабуролиги, ақл-заковати ва гўзал ҳусни билан бошқа сак аёлларидан анча устун турган. Сакларда уруш хавфи туғилган пайтда аёллар ҳам эркаклар билан бир сафда жанг қилишган. Зарина саклар юртини қўшни кўчманчи қабилалар асоратидан халос этиб, мамлакатни обод қилиш йўлида хайрли ишлар қилган, шаҳарлар бунёд этган, халқ фаровон яшаган. Шунинг учун малика вафот этган, ватандошлари унинг порлоқ хотирасини эъзозлаш мақсадида тарихда мисли йўқ мақбара қуришган. Учбурчакли пирамида шаклидаги маҳобатли мақбаранинг ҳар бир томонининг узунлиги 3 стадий (1 стадий 176,6 м.га тенг) бўлиб, унинг ўткир учлари кўкка бўй чўзган. Мақбаранинг тепасида эса Заринанинг олтидан ясалган ҳайкалини ўрнатишиб, унинг жасоратини мадҳ этишган. Унинг аждодларига бағишланган маросимларда ҳам тантанавор равишда хотирасини ёдга олишган. Зарина ҳақидаги кўплаб эпик асарлар, қисса ва достонлар қадимдан сақланиб қолган. Ҳозирда ҳам унинг жарангдор исми туркий миллатларнинг гўзал қизларига ярашиб келади.

## БИБИХОНИМ

Асл исми Сароймулкхоним бўлган гўзал малика (1341 – 1408) Амир Темурнинг катта хотини эди. У хон авлодига мансублиги боис, ҳарамдаги барча маликалардан улуғ ҳисобланиб, «Катта хоним» ёхуд «Бибихоним» деган унвонга ноил бўлган.

Тарихий манбаларда Бибихоним ўз замонасининг юксак идрокли, тадбиркор ва етук ақл-заковат соҳибаси, шунингдек, ҳуснлатофат бобида беназир малика бўлганлиги таъкидланади. У ватанпарвар, инсонпарвар, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан яхшигина хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан доимо қатнашиб турган. Бибихоним Соҳибқироннинг ҳарбий юришларида кўпинча ҳамроҳлик қилган ва салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда Темурдек жаҳонгир ҳам унинг оқилона маслаҳатларига ўз ўрнида эҳтиёж сезган. Тарих саҳифаларида битилишича, узоқ ўлкаларда жанг қилган Амир Темурнинг лашкарлар озиқ-овқатига сарф этиладиган хазинаси бўшаб қолади. Соҳибқирон зудлик билан Бибихоним ҳузурига хазина учун чопар йўллайди. Бироқ доно малика чопарга олтину жавоҳирлар эмас, балки шоҳга битилган мактуб тутқизади. Унда «Хазинангиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадиму, Олампаноҳ?» каби сўзлар битилган эди. Бунинг маъносини дарҳол тушуниб етган жаҳонгир тезда лашкарлар истеъмол қилган чорва ҳайвонларининг суякларини йиғиб пул зарб қилдиради ва унинг буйруғи билан ушбу ақчаларга шаҳару қишлоқлардан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олинади. Кейинчалик эса бу суяк пуллар ҳақиқий олтину кумуш пулларга алмаштириб берилади.

Бибихоним илм-маърифатга алоҳида эътибор берар, толиби илмларга ҳомийлик қиларди. У ўз жамғармаси ҳисобидан Самарқандда улкан мадраса қурдирган. Улуғ малика номи шу кунга қадар халқ орасида меҳр билан тилга олинади.

## НОДИРА

Андижон ҳокими Раҳмонқулбийнинг қизи бўлган Моҳларойим (1792 – 1842) «Нодира», «Комила» ва «Макнуна» тахаллуслари билан шеърлар битган. У нафақат ҳассос шоира, балки элу юрт тинчлиги, илм-маърифат ривожи учун улкан ҳисса қўшган малика эди ҳам. Умр йўлдоши Амир Умархон вафот этгач, тахтга гарчи унинг 14 ёшли ўғли Муҳаммад Алихон ўтирган бўлса-да, лекин давлатни асосан Нодира идора қиларди. У маданият ва санъатни ривожлантиришга интилади.

Нодирабегимнинг замондоши қози Абдунаби Хотифнинг воқеабанд достонида келтирилишича, шоира илм ва сўзнинг қадрига етадиган донишманд аёл бўлган. Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва бошқа шаҳарлардан фозиллар, олимлар, ҳаттотлар, наққошларни ўз хизматига чақиртириб келган. Шоира маърифатпарвар инсонларни янги-янги асарлар ёзишга ташвиқ қилган. Девонларнинг чиройли ёзилиши, муқовасининг безатилишини ўзи шахсан кўздан кечириб турган. Яхши ишлаган котибларга тилла қалам, кумуш қаламдон бериб, уларни «зарин қалам»лик мансабига кўтарган.

Нодирабегим бозор ва расталар, масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар қурилишига катта эътибор берган. Бир қатор мадрасалар бунёд эттирган. Унинг шоиралик ижоди хусусида эса узоқ тўхталиш мумкин. Шоира «Илм-адаб ва назм осмонининг юлдузи, ушшоқлари ғазалхони, шакар сочувчи булбул», дея таърифланади.

Азиз муштарий, биз улуғ аждодларимиз – турк элининг маликалари, оқила ва доно, ватанпарвар момоларимиз ҳақидаги мақоламизни яна давом эттирамиз.

**Зулфия ЮНУСОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**



**Бугунги кунда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти олдида турган вазифалар кўлами ниҳоятда кенглиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Миллий армиямиз қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, хусусан, ёшларни касбга ўргатиш ва уларни юртига садоқатли қилиб тарбиялаш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб олган МК «Ватанпарвар» ташкилоти бу борада қандай ишларни амалга ошириб келмоқда? Бугунги мақоламизда ташкилот фаолиятига Наманган вилояти мисолида назар ташлаймиз. Зеро, МК «Ватанпарвар» ташкилотининг Наманган вилояти кенгаши 2005 йил якуний натижаларига кўра ташкилот Марказий кенгаши томонидан эълон қилинган «Энг илғор вилоят кенгаши» танловида ғолиб чиққанлиги билан ҳам диққатга сазовордир.**

МК «Ватанпарвар» ташкилотларида

# ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ



## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Айниқса, ўтган йили шаҳар ва туман кенгашлари ҳузурида хўжалик ҳисобида ишлайдиган ўқув спорт-техника клублари тузилгач, нафақат вилоят ва шаҳар марказларида, қолаверса туман марказларида ҳам чақириққача тайёргарликнинг таркибий қисми бўлган спортнинг техник ва амалий турлари бўйича тўгарак ва секциялар фаолиятини ташкил этишга янги имкониятлар пайдо бўлди. Кенгашнинг ҳозирги бош вазифаси бўлажак юрт посбонларини фақат ҳайдовчиликка ўқитишдан иборат бўлмасдан, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, вилоят ўғлонлари ўртасида мазкур спорт турлари оммалашуви учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Айни пайтда бу ерда ўқув спорт-техник клубларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилмоқда. Масалан, 2005 йил ва жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят бўйича бешта янги автомобиль сотиб олинди. Бугунги кунда ҳар бир клуб йўриқчи-услубчи ва уч нафардан мураббий билан таъминланди. Улар спортнинг 12 тури бўйича ёшларга сабоқ беришмоқда. Шуниси қувонарлики, турли тўгарак ва секцияларга жалб қилинганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

## ҲАР ЖАМОАНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Вилоят кенгаши эришаётган натижаларда тизимдаги ҳар бир жамоанинг ўзига хос ҳиссаси ва ўрни бор. Наманган шаҳар, Косонсой, Чуст туман кенгашлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажаришга ижодий ёндашиб, яхши кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Мисол учун, чустлик «ватанпарвар»чилар ўтган йил натижаларига кўра вилоятдагина эмас, балки республикада ҳам пешқадамлар сафидан ўрин олишди.

Мазкур туман кенгашининг барча йўналишлардаги фаолияти юқори баҳоланди. Хусусан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқ хўжалиги учун мутахассис кадрлар тайёрлаш, моддий-техника таъминотини яхшилаш бўйича эришилган натижалар диққатга сазовордир. Бу ерда ҳайдовчи мутахассислар тайёрлаш миқдори йилдан-йилга тобора ошиб бормоқда.

Албатта, иш ҳажмининг ортиши моддий-техник негизни мустаҳкамлашни ҳам тақозо этмоқда. Туман кенгашида автомобиллар сони кўпайтирилди. Мавжуд машиналарнинг техник ҳолатини намунали сақлаш, қаровларни ўз вақтида ўтказиш ҳамиша эътиборда. Бўлажак ҳайдовчилар ўқийдиган синф хоналари ҳозирги кун талаблари даражасида жиҳозланганки, натижада таълим сифати юқори бўлиши таъминланмоқда.

Ёшлар ўртасида маънавий-маърифий, ватанпарварлик мавзусига доир тадбирлар ўтказиш ҳам диққат марказида. «Ватанпарвар» туман кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» кенгашининг ҳудудий бўлинмалари, маданият ва спорт ишлари бўлими каби ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тузилган режа ҳамда дастурларга эга. Уларда ўқув ва меҳнат жамоаларида, аҳоли истиқомат жойларида суҳбат ва маърузалар, турли кечалар, учрашувлар, мусобақа ва баҳслар ўтказиш назарда тутилган бўлиб, ҳар бир тадбирнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш асосий вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

## ВИЛОЯТ СПОРТЧИЛАРИ ХАЛҚАРО АРЕНАЛАРДА

Спорт соҳасида қўлга киритилаётган натижалар ҳам чакки эмас. Техник ва амалий турлар бўйича ташкил этилган тўгараклар, секцияларда қатнашаётганлар сони тобора ортиб бораётир. Оммавийлик ўз навбатида маҳорат чўққилари сари йўл очмоқда. Мурод Ҳожибоев бир неча йил илгари ана шундай секциялардан бирида ёзги биатлон билан шуғулланa бошлаган эди. Бугунги кунда эса у нафақат туман ва вилоят шарафини, балки Халқаро мусобақаларда ҳам мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишга муяссар бўлмоқда.

Шуни айтиш керакки, Мурод Ҳожибоев ўтган бир йил мобайнида қатор йирик мусобақаларда муваффақиятли қатнашди. Масалан, Чирчиқда ўтган ёзги биатлон бўйича қитъа очиқ биринчилигида у фахрли учинчи ўринни эгаллади. Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлган Осиё кубоги баҳсларида эса кумуш медаль соҳиби бўлди. 2005 йил сентябрь ойида Финляндияда ўтказилган жаҳон чемпионатида эришилган натижа ҳам чакки эмас. Ўттизга яқин мамлакат вакиллари иштирок этган бу мусобақада Мурод Ҳожибоев фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди.

Яқинда, яъни июнь ойининг охирги ўн кунлигида Ўзбекистон терма жамоаси ёзги биатлон бўйича навбатдаги Осиё кубоги очиқ биринчилигида муваффақиятли иштирок этиб қайтишди. Қўшни Қирғизистонда ўтказилган мусобақаларда иштирок этган терма жамоамиз таркибидаги етти спортчидан уч нафари Наманган вилояти вакиллари эди. Ўзбекистонликлар умумий ҳисобда биринчи ўринни олдилар. Мурод Ҳожибоевнинг ўзи учта олтин медаль билан тақдирланди. Вилоят спортчиларидан – Анна Тимофеева битта олтин ва иккита кумуш, Даниел Тарасов эса учта кумуш медалларни қўлга киритди.

## ҲАЁТ МАКТАБИГА ТАЙЁРЛАЙДИ

Юқорида тилга олинган ўқув спорт-техника клубларидаги тўгарак ва секциялар чақириққача бўлган ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда ҳам ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди. Ёшлар шуғулланаётган спорт турларининг аксарияти ҳарбий-амалий кўпкураш дастурига киради. Бу эса албатта, йигитларнинг хизматга ҳар томонлама шай ҳолда боришларига ёрдам беради.

Ҳарбий-амалий кўпкурашга кирувчи спорт турларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётган жамоалардан бири Наманган автомобиль мактабидир. Вилоят терма жамоасининг ўзаги ҳам шу ерда машғулотлар олиб боради. Мусобақаларни тез-тез ўтказиш бу ерда анъана тусига кирган десак, муболаға бўлмайди. Яқинда вилоятда мана шундай мусобақалардан бири кўтаринки руҳда ташкиллаштирилди. Мусобақада иштирокчилар уч минг метрга югуриш, турникда тортилиш, ҳаво милтиғидан отиш, граната улоқтириш каби спорт турлари бўйича ўзаро баҳслашдилар.

Икки кунлик ўзаро беллашувлар якунига кўра шахсий ҳисобда Константин Никитин энг юқори натижага эришди. У дастурдаги қатор спорт турлари бўйича ғолиблик шоҳсупасининг юқори поғонасидан жой олди.

Умид Йўлдошев ва Сарвар Шерматов ҳам Константиндан ортда қолмаслик учун бор имкониятларини ишга солдилар. Ўз имкониятларидан фойдалана олган спортчилар иккинчи ва учинчи ўринларни банд этиб, турнир ғолиблари сафидан жой олишди. Энди улар навбатдаги турнирларда вилоят терма жамоаси шарафини ҳимоя қилишади.

Наманган вилояти «Ватанпарвар» ташкилоти жамоаси бу йил ҳар қачонгидан-да фаол. Улар янги-янги зафарли марраларни забт этиш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Аслида ҳозиргача эришилган натижалар ҳам чакки эмас. Дастлабки олти ойда қўлга киритилган кўрсаткичлар буни исботлаб турибди. Лекин Мустақиллик байрамимизни муносиб кутиб олишга ҳаракат қилаётган аҳил жамоа вакиллари бундан-да юқори натижаларга эришиб, ушбу ғалабаларини энг улуғ ва энг азиз байрамимизга туҳфа қилишмоқчи.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**МК «Ватанпарвар» ташкилоти Наманган вилояти кенгаши раисининг ўринбосари.**



Ёз – ўтмоқда соз

# БОЛАЖОНЛАР ШОД, МАМНУН

Бугунги кунда Ватан ҳимоячиларининг ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш, хизмат ва яшаш шароитларини янада яхшилаш, имтиёзлар ва яратилаётган қулайликлар тизимини, ўқув база ва моддий таъминотни такомиллаштириш борасида ҳукуматимиз томонидан кўплаб ишлар қилинди ва қилинмоқда. Масалан, айни пайтда фаолият кўрсатаётган Мудофаа вазирлигига қарашли болалар соғломлаштириш оромгоҳларини олиб қарайлик. Ёзнинг жазирама кунларини сўлим ва салқин масканда кўнгилли ўтказаётган болажонлар – юрт посбонларининг фарзандлари хизматидаги дам олиш масканларида сезиларли ўзгариш, янгиланишлар амалга оширилмоқда. «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлганимизда, юқорида айтилган фикрларга яна бир карра амин бўлдик.

– Бу йилги ёз мавсуми бошланишидан олдин Мудофаа вазирлиги томонидан оромгоҳимиз ҳар бир гуруҳи музлаткич ва телевизор сингари замонавий маиший техника, спорт анжомлари ва янги мебеллар, ўйинчоқлар билан таъминланиши, шунингдек, компьютер ўйингоҳларининг очилиши ўғил-қизлар учун ажойиб совға бўлди, – дейди оромгоҳ бошлиғи Людмила Васьковская. – Юқори қўмондонлик вакилларининг бевосита ёрдами ва ташаббуси, ғамхўрлиги, жонбозлиги боис бу ерда бошқа дам олиш масканларидан қолишмайдиган даражадаги қулайликлар, ажойиб шарт-шароитлар яратилган.

Таъкидлаш жоизки, маданий-маърифий тадбирлар кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш ҳам раҳбарият диққат-марказида. Кўнгилочар концерт дастурларини ташкиллаштиришда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилиниши, намойиш этиладиган бадиий фильмлар орасида тарихимиз ва қадриятларимиз акс эттирилган, ватанпарварлик руҳидаги миллий ўзбек фильмларининг кўпайтирилиши шулар жумласидандир.

Дарвоқе, болажонларнинг овқатланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яъни оромгоҳ ошхонаси санитария-гигиена талабларига тўлиқ жавоб беради ҳамда уларга тақдим этилувчи таомлар оқсил, турли витаминлар, инсон, айниқса, ёшлар организми учун фойдали ингридиентлар билан бойитилган бўлиб, иммунитет тизимини мустаҳкамловчи, таркибида ҳар хил шифобахш гиёҳлар мавжуд салқин ичимликлар ва ҳатто цитрус мевалар ҳам таомномадан ўрин олган. Яқиндагина эса, ошхона мебеллари бутунлай янгиланди.

Маълумки, ушбу масканга юртимизнинг кўплаб вилоятларидан дам олувчилар келишади. Шу жумладан, чекка гарнизонлардан ҳам.

– Бу оромгоҳда ёзни ўтказиш менга жуда ёқади, – дейди Қорақалпоғистондан келган болажон Ойбек Тўхтаев. – Кўплаб дўстлар орттирдим. Улар билан ҳар куним қизиқарли ва кўнгилли ўтмоқда. Концерт дастурлари, спорт мусобақалари, турли тўгараклар, ўйинлар, тоққа саёҳатлар, буларнинг барчаси биз учун янгилик. Уйга қайтишим билан мириқиб дам олганим сабаб, ота-онамга катта раҳмат айтаман ҳамда кейинги йил ҳам оромгоҳга жўнатишларини илтимос қиламан.

Ҳа, Ойбекнинг самимий гапларидан дам олиш маскани унга ниҳоятда манзур бўлгани аён ва шубҳасизки, бундай фикрга ҳар бир ўғил-қиз қўшилади. Ишонч билан айтиш мумкинки, ота-оналарнинг дам олувчилардан кўнгли тўқ ҳамда яратилган шарт-шароитлардан улар мамнун.

– Мен ҳар йили болаларимни «Тонг» оромгоҳига жўнатаман, – дейди ота-оналардан бири Қуролли Кучлар хизматчиси Дилором Раҳимова. – Кузонарлиси, бу ерда ўтказилувчи тадбирлар кунлик режасига жисмоний машғулотлар, интеллектуал ўйинлар киритилган бўлиб, ёзги таътил пайтида болажонларнинг ҳар томонлама чиниқишига, ором олишига, ўқув йилини янги куч билан бошлашига катта ёрдам беради.

Ҳа, «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўғил-қизларнинг мароқли дам олишлари, вақтлари чоғ ва мазмунли ўтиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Болалик гаштини сураётган фарзандлар бундан жуда-жуда мамнунлар.

**Катта лейтенант**
**Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.**
**Капитан Дилявер АБЛАЕВ**
**суратга олган.**

# САМОРЕГУЛЯЦИЯ В ОСОБЫХ УСЛОВИЯХ

ШКОЛА ВЫЖИВАНИЯ

**Психологическое воздействие опасных ситуаций проявляется у людей по-разному: ощущение опасности у одних превращается в чувство обреченности, делает человека беспомощным, растерянным, неспособным к целенаправленным действиям, в том числе и к активной защите, а у других угрожающая обстановка способна вызвать общий подъем духовных и физических сил, побудить активно противостоять обстоятельствам.**

Восприятие человеком чувства угрозы может быть ослаблено или полностью преодолено путем специальной подготовки к действиям в экстремальных ситуациях.

Специальная подготовка в практическом отношении предполагает, во-первых, овладение определенной суммой знаний, способствующих психологической готовности к встрече с опасностями, и формирование на этой основе рационального к ним отношения; во-вторых, приобретение навыков управления своим эмоциональным состоянием, позволяющих снизить уровень нервного напряжения, т.е. овладение методами эмоционально-волевой саморегуляции.

Овладение даже азами психической саморегуляции – дело непростое. Для этого нужно в первую очередь осознанное стремление к психическому самосовершенствованию, настойчивость и время. Но овладев приемами психической саморегуляции, человек становится способным произвольно менять свое психическое состояние, снижать значимость стрессогенных факторов, полностью контролировать свое внимание на выполняемой деятельности, производить обезболивание при ранениях, регулировать функционирование всех органов и систем организма, быстро и эффективно отдыхать (значительно сокращать время, необходимое для отдыха), готовить себя к преодолению трудных и опасных ситуаций.

Безопасность человека в экстремальной ситуации во многом зависит от его умения сохранять самообладание. Только при соблюдении этого условия возможна правильная оценка происходящего и принятие соответствующего (адекватного) решения.

Существует много разнообразных методик, дающих возможность эффективно управлять своим состоянием. Для освоения одних нужны годы упорных и систематических тренировок, для освоения других – месяцы.

Практика свидетельствует, что человеку гораздо легче сохранить спокойствие и способность к разумной деятельности в экстремальных условиях, если он заранее обдумал свою реакцию на опасные факторы окружающей среды.

Прокручивая мысленно нужное действие, человек тем самым участвует в своеобразной тренировке. В практике психической саморегуляции такой вид упражнения (мысленное воспроизведение действий, движений) принято называть идеомоторной тренировкой. Идеомоторика значительно активизирует сознание человека, дает возможность «включать голову» в процесс овладения двигательными действиями.

Основные правила идеомоторной тренировки:

**Правило первое:** прежде чем научиться новому движению (действию), нужно четко представить себе, что же ты хочешь сделать. Представить это движение не только зрительно, но и эмоционально. При этом помочь своим мышцам испытать напряжение от предполагаемого движения (действия).

**Правило второе:** получив представление о действии, нужно как можно точнее и ярче мысленно его воспроизвести, не торопясь, представляя ощущения, которые исходят от мышечно-связочного аппарата, аналогичные тем, что возникают при реальном выполнении движения. При отсутствии этих ощущений можно ограничиться зрительным представлением.

**Правило третье:** идеомоторный образ будет точнее, если представление о действии будет сопровождаться точными и образными словесными формулировками. Повторять разучиваемое движение необходимо от 2 до 5 раз.

**Правило четвертое:** после идеомоторного воспроизведения действия следует обязательно проимитировать его целиком или хотя бы отдельные (желательно ведущие) элементы (фазы). Это поможет формированию более четкого образа действия, будет способствовать качественному выполнению нужного действия.

Наилучшим вариантом овладения двигательным действием является сочетание идеомоторной тренировки с реальными попытками выполнить его.

Проводить идеомоторную тренировку нужно регулярно, желательно ежедневно по 10 – 30 мин. Занятия от случая к случаю бесполезны. Сначала лучше тренироваться дома, когда никто не мешает, а затем, по мере совершенствования навыков, – в любых условиях: на улице, в общественном транспорте, магазине и т.д. Весьма полезно для личной безопасности приучить себя во время любой двигательной деятельности каждое действие предварять мысленным его выполнением. Тогда идеомоторная тренировка войдет в привычку, а качество выполняемой деятельности наверняка заметно повысится.

Рассматривая методы психической саморегуляции, важно отметить, что учеными доказано: благоприятное психическое состояние повышает эффективность действий примерно на 20 %, мышечную силу – до 90 %, чувствительность зрения и слуха – на 35 – 65 %, снижает число ошибок и неточностей в действиях в 5 – 10 раз.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



## Добровольцы отправились в Ливан

Иранские добровольцы направились в Ливан для участия в боевых действиях против Израиля. Они намерены добраться туда через Турцию и Сирию. Ожидается, что на пути до турецкой границы к ним присоединятся еще не менее 150 добровольцев. Возраст добровольных участников «священной войны» разнится, среди них есть как подростки, так и пожилые люди, сообщает «Интерфакс».



## Удары израильских ВВС

Израиль провел массированные артобстрелы и авианалеты в южной части Ливана после того, как накануне в боях с активистами «Хизбаллах» погибли по меньшей мере восемь солдат армии еврейского государства. В течение ночи самолеты ВВС Израиля нанесли удары по 90 целям. Уничтожены грузовики с оружием и боеприпасами, три пусковые ракетные установки и 40 зданий и командных пунктов. В ходе рейда уничтожено несколько ретрансляционных и радиоретрансляционная станция «Радио Ливана», передает ИТАР–ТАСС.



## Погибли миротворцы ООН

Миротворцы ООН на протяжении шести часов 10 раз связывались по телефону с израильскими армейскими представителями и просили их прекратить обстрел района, где находился наблюдательный пост Временных сил ООН в Ливане (ВСООНЛ). Об этом сообщила Совету Безопасности ООН помощник генерального секретаря по миротворческим операциям Джейн Льют. По ее словам, у поста наблюдателей разорвался 21 израильский снаряд и пост был разрушен прямым попаданием.



## Крушение вертолета в Афганистане

Шестнадцать человек погибли в результате катастрофы вертолета Ми-8 на востоке Афганистана. Тела 12 человек уже найдены, идут поиски других, сообщает ИТАР–ТАСС. Вертолет, вылетевший из Хоста, упал по неизвестным причинам в 40 км от города в горах. Афганские власти не исключают, что он был сбит талибами.



## Неудача во время запуска

Ракета-носитель «Днепр», которая стартовала с космодрома «Байконур» с 18 спутниками, упала в 25 км к югу от стартовой площадки, заявил журналистам замглавы Росавиакосмоса Юрий Носенко. Никаких повреждений населенных пунктов на близлежащих территориях не произошло. Как сообщили ИТАР–ТАСС в подмосковном ЦУП, «на 86-й секунде полета произошло аварийное отключение двигателей». Авария произошла во время работы второй ступени ракеты-носителя.



## Растет число жертв

Число жертв рекордной жары в американском штате Калифорния с середины июля достигло 83 человек, сообщает агентство АР. Последние недели столбик термометра в некоторых районах на западе США не опускается ниже 40 градусов по Цельсию. А в городе Лос-Анджелесе была зафиксирована даже температура 48 градусов. Жара вызывает перебои в электроснабжении, она стала причиной лесных пожаров. Местные власти отмечают, что подобной погоды в США не было 57 лет.



## В Париже сильные грозы

Из-за сильных гроз в районе французской столицы ряд самолетов не смогли вовремя совершить посадку в парижских аэропортах Руасси – Шарль де Голль и Орли. Три самолета были отправлены в Лилль, а также около десяти самолетов уже после грозы приземлились в Руасси вместо Орли, передает ИТАР–ТАСС. Встречавшие близких в Руасси из-за отсутствия информации от «Air France» узнали о местонахождении самолетов не сразу.



## «Новая Волна-2006»

В Юрмале стартовал ежегодный конкурс «Новая Волна-2006». Он продлится до 31 июля, сообщает РИА «Новости». В конкурсе принимают участие 16 претендентов – молодые исполнители из Узбекистана, России, Ирландии, Италии, США, Украины, Израиля, Австрии, Армении, Грузии, Дании и Латвии. «Новая Волна» проходит в Юрмале уже пятый раз.

(www.NEWSru.com).

# ВАТАНИН ШАРАФЛАР АСЛ ЙИГИТ

**Айни дамда халқаро ареналарда шоҳсупанинг юқори чўққисини забт этиб, юртимиз шуҳратини оламга ёяётган спортчиларимиз жуда кўплаб топилади. Айниқса, кейинги йилларда армиямиз спортчилари ҳисобига уларнинг сафи янада кенгаймоқда. Биз газетамиз саҳифаларида миллий армиямиз фахри бўлган бу каби алпқомат йигитлар ҳақида мунтазам мақолалар тайёрлаб боряпмиз. Бугун яна ушбу анъанага содиқ қолган ҳолда спорт оламида ўз ўрнига эга бўлган кураш бўйича жаҳон чемпиони ҳақида ҳикоя қиламиз.**

Рамзиддин Саидов. Бу номни нафақат Ўзбекистонда, балки Осиё ва Европада кўпчилик яхши билади. Унинг курашиш маҳоратига кўпчилик мутахассислар тан беради. Чунки Рамзиддин рақибларига ҳеч қандай имкон бермай, уларни доимо ҳалол мағлуб қилади. Йигитдаги бундай курашиш услубини илк бора дастлабки устози Рустам Тўраев кўрганида, истеъдодли ўсмирдан келажакда етук спортчи етишиб чиқишига ишонганди. Ўшанда у шогирдига шундай деди: – Сен ўзингдаги бу маҳоратинг билан туғилиб ўсган заминнинг спортига ҳисса қўшибгина қолмай, боболардан бизга мерос қолган миллий курашимиз довруғини оламга ёясан, спортдаги кўплаб муваффақиятларинг-ла миллат ёшлари қалбида асрларга тенгдош курашимизга нисбатан меҳр уйғотасан.

Халқаро тоифадаги кураш устаси эндигина спортнинг ушбу турига қадам қўйган болакай учун бундай улуғвор фикр билдириб янглишмаганди. Бир неча йилдан буён ёшларга миллий кураш сирларини ўргатиб келаётган тажрибали устоз дастлабки синов орқали болаларнинг лаёқатини аниқлаш баробарида уларнинг келажакдаги имкониятларини янглишмай чамаларди.

– Бухоро вилоятининг чекка ҳудудида жойлашган Олот туманини республикамизда кўпчилик билишмасди, – дейди Рустам ака. – Туманимиз полвонлари бу номни юртимизга танитди. Ўзига хос кураш мактабига эга бўлган туманимизга бугун республикамизнинг Андижон, Самарқанд, Навоий, Фарғона, Хоразм сингари вилоятларидан ёшлар миллий спортимиздан сабоқ олиш учун келишмоқда. Бир пайтлар Камол Тўраев, Рамзиддин Саидов сингари кураги ерга тегмас тенгсиз спортчилар етишиб чиққан мактабда улар ҳам ўқишни орзу қилишяпти. Рамзиддиннинг илк мактабга келган куни жуда яхши эсимда. Ўшанда отаси Бешим ака «Ўғлим курашга қизиқади, ўзингизга шогирд қилишни истамайсизми?» дея ёш йигитчани олдимга олиб келганди. Қалби шижоатга тўла бу болакайнинг кўзларига боққанимда ундан ҳақиқий чемпион чиқишини кўнглим сезганди. Ўз навбатида Рамзиддин ҳам машқларда буни исботлади.

Оилада тўрт ўғилнинг бири бўлган Рамзиддиндан аввал акаси Фазлиддин ҳам миллий курашга қизиқиб қолди. Ҳатто машқларда маҳоратини оширган йигит ўз вазни тоифасида бир неча бора йирик турнирларда ғалаба нашидасини сурди. Ундан сўнг эса ғалаба пойгасида укаси анча ўзиб кетди. 2004 йил ўз вазнида Осиё чемпиони деган номга муносиб топилган йигит, 2005 йили Тошкентда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этди. 81 кг. вазнда гиламга чиққан юртдошимиз рақибларини бирин-кетин доғда қолдириб, финалда эронлик Али Муҳаммадий устидан ҳам ғалаба қозонди.

– Менинг ғалабаларимда устозларим – Рустам ака Тўраев ва Борис Григорьевич Ивановларнинг хизматлари катта, – дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Рамзиддин Саидов. – Уларнинг олиб борган тинимсиз машғулотлари эвазига чемпион деган номга сазовор бўлдим.

Айни дамда у Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида спорт йўриқчиси сифатида хизмат қилиб, посбонларга миллий кураш ва дзюдо бўйича сабоқ бериб келмоқда.

2006 йил ҳам бу йигит учун яна омадли бошланди. У апрель ойида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва олимпия спорт турлари бўйича анъанавий ўтказилиб келинаётган иккинчи Умумармия ўйинларида муносиб иштирок этди. 90 кг. вазн бўйича гиламга чиққан Рамзиддин ҳақиқий чемпион эканлигини яна бир бор исботлади. Қийинчиликларсиз финалгача етиб келган бухоролик ўғлон сўнгги босқичда оддий аскар Хуршид Набиев устидан ҳалол ғалаба қозониб мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

– Армияда спортнинг ўрни бениҳоя катта, – дейди қаҳрамонимиз, – жисмоний тайёргарликсиз ўқув машғулотларида юқори натижага эришиб бўлмайди. Жисмоний чиниқмаган йигит қандай қилиб юртининг, халқининг осойишталигини ҳимоя қила олади?!

Спортни ҳаётининг шиорига айлантирган посбон ва унинг қуролдош дўстлари айни чоғда ёзги ўқув мавсумини кўтаринки руҳда олиб боришмоқда. Улар ўқув мавсумида эришган ютуқларини энг азиз ва энг улуғ байрамимиз ҳисобланмиш Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишлаб, халқимизнинг эзгу байрамини муносиб нишонлашга аҳд қилишган.

**Карина ҚУРБОНОВА.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**



# ЎЗБЕКНИНГ ЎКТАМ ҚИЗИ

Диёримиз азал-азалдан неча-неча алплар, мардларни тарбиялаб, дунёга танитган юрт. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, миллий урф-одатларимизга, анъаналаримизга, энг муҳими, ўзлигимизга қайтиш учун кенг имкониятлар очилди. Юртдошларимиз, хусусан, ёшларимиз ўзларини қанчалар буюк миллат фарзанди эканликларини юракдан ҳис эта бошладилар. Киши қалбини фахру ифтихорга тўлдиргувчи бу ҳис-туйғулар Ватанимиз довруғини кўкларга кўтариш йўлида муносиб ҳисса қўшишга ундади.

Юрагида Ватан туйғусини юксак тутган ҳамюртимиз Мавлуда Ҳамдамовани ҳам буюк аждодлари каби ўзбекнинг довруғини дунёга таратишга интилаётган ёшларимиз сирасига киритишга ҳақлимиз. Мавлуда ҳақида икки оғиз. У Бухоро вилоятида туғилган. Саккиз ёшидан бошлаб спортнинг таэквандо тури билан мунтазам шуғулланиб келади. Шу бугунгача ёшлар ва ўсмирлар ўртасида беш карра Ўзбекистон чемпиони. Вилоят, мамлакат миқёсида ўтказилган биринчиликларда эришган ғалабаларидан ташқари, 2004 йил Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган халқаро мусобақада совринли ўринга сазовор деб топилди.

Мавлуда шу йил пойтахтнинг «ЖАР» спорт соғломлаштириш марказида бўлиб ўтган Ўзбекистон миллий чемпионатида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, таэквандо бўйича Вьетнамда ўтказилиши режалаштирилаётган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритди.

– Жаҳон ареналарида ҳали кўп бора мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишга бел боғлаганман, – дейди Мавлуда. – Фурсатдан фойдаланиб, менга чин дилдан мураббийлик қилган устозларим Ихтиёр Солиев, Шариф Қодировларга ҳамда Вьетнамда бўлиб ўтадиган халқаро турнирга мени жисмонан ва руҳан тайёрлаб келаётган устозим Ҳусан ака Шособировга чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Айнан шу инсонлар сабаб мен бугунги кунда чемпион деган номга сазовор бўлдим. Халқаро турнирда шоҳсупанинг юқори чўққисини эгаллаб, Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 15 йиллиги шарафига мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришга ваъда бераман.

Ишонамизки, ёшларимиз орасидан етишиб чиқаётган Мавлуда Ҳамдамова сингари истеъдодли спортчиларимиз ҳали кўп бора юртимиз довруғини дунёга таратадилар.

**Даврон МУТАЛОВ.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**



# СЕРМАЗМУН КУНЛАР

Оддий аскар Қувондиқ Ҳамроевнинг вазифаси ўқчи. Айни кунларда гуруҳнинг энг илғор посбонларидан бири ҳисобланади. Ёзги мавсум ўқув машғулотлари катта лейтенант Нурулло Тожибоев гуруҳи ҳақиқий сараланган посбонлардан иборат эканлигини амалда кўрсатди.

Қувондиқ ҳарбий хизматга Хоразм вилоятидан чақирилган. Хизматгача тиббиёт коллежида таҳсил олди. Мана, ҳарбий хизматнинг ҳам кўпи кетиб, ози қолди. Шу кунларда у тажрибали посбон сифатида ёш аскарларга ҳарб илми сирларини қунт билан эгаллашларида кўмаклашмоқда.

Ҳаёт мактабининг ўзига хос мураккабликлари билан бирга унутилмас, гаштли томонлари ҳам бор. Келинг, яхшиси, бу ҳақда аскарнинг ўзи гапира қолсин:

– Бу ерда кунларимиз сермазмун ўтади. Мутолаа қилишни яхши кўрадиганлар учун бой китоблар фондига эга кутубхона мавжуд. Клуб фаолият кўрсатади. Спорт заллари ишлаб турибди. Бир сўз билан айтадиган бўлсам, барча шароитлар муҳайё. Кўпчилик сафдошларим олий даргоҳларда таълим олишни исташади. Хизмат даврида ҳам ўқишга тайёрланиш имконияти бор. Имтиёзли Тавсиянома ҳақида гап кетганда, ҳарб илмини пухта эгаллаб, жанговар тайёргарлик машғулотларида ўзингни кўрсата билсанг кифоя, деб ўйлардим. Аслида эса Тавсияномага ҳар томонлама сазовор бўлиш керак экан. Ҳатто махсус тест синовлари топшириш лозим. Шу тариқа посбоннинг интеллектуал даражаси аниқланади.

Ҳарбий хизмат унутилмас кунларга ҳам бой. Ҳарбий қасамёд қабул қилган кунимиз, умумхалқ байрамларимиз, дўстларимизнинг туғилган кунлари, таниқли инсонлар билан учрашувлар, ота-оналар ташрифи, кутиб олиш ва кузатиш маросимлари – буларнинг барчаси аскарлик ҳаётининг қайтарилмас, хуш онларидир. Менинг дўстларим, жўраларим кўп. Хизматга келиб улар сони яна ошди. Оддий аскарлар Руслан Жуманиёзов, Дониёр Шергуловларни яқин дўстларим, деб биламан. Отамнинг уқтиришларича, дўст-жўралари кўп инсон бой саналади, бақувват саналади. Сермазмун ва унутилмас кунлари, улкан ҳаётга йўлланмадек бериладиган имконият ва имтиёзлари учун армиядан миннатдорман.

Посбон йигит ҳарбий қисмда ўтказиладиган турли кечаларда фаол иштироки билан ажралиб туради.

– Қувондиқ Ҳамроев кўплаб хоразмликлар каби санъатни севади, – дейди катта лейтенант Хайрулла Ўринов. – Ўзи ҳам жарангдор овозда қўшиқ куйлаб кечаларга файз киритади.

Қувондиқ Тўтижон опа ва Шарифбой акалар оиласининг кенжа фарзанди. Орзулари бир олам бу йигит келажакда олий даргоҳларда таҳсил олиб, юртга ҳамиша керакли фарзанд бўлишни истайди. Ҳарбий хизмат эса унинг бу эзгу мақсади йўлидаги дастлабки қадамлардир.

**Аҳрор ТЎЙЧИЕВ,**
**ЎзМУ талабаси.**

Абитуриент–2006

# УЧ КУНДАН КЕЙИН...

1 август кўпчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортиши шубҳасиз. Чунки кимнингдир яқин дўсти, акаси, синглиси, фарзанди ёки жияни ўзи орзу қилган касб эгаси бўлиш ниятида институт, университетга ҳужжат топширган. Айниқса, бу куннинг ҳаяжони абитуриентларда ўзгача кечади. Ахир улар ҳаётларида муҳим аҳамиятга эга бўлган масъулиятли бир паллада турибдилар. Абитуриентларни фақат битта савол безовта қилади. Бу ҳам бўлса, «Талаба бўлиш бахтига муяссар бўла олармиканман?» Бундай пайтда кўпчилик ота-оналар фарзандларига ҳатто керагидан ортиқ эътибор бериб, уларга барча шароитни яратиб беришга ҳозиру нозир туришади. Лекин ўзига ишончи баланд, иродали йигит-қизлар учун махсус яратилган шарт-шароит у қадар аҳамиятли эмас. Улар ўзларининг имкониятидан келиб чиққан ҳолда имтиҳонга тайёргарлик кўришади. Боз устига, бундай абитуриентларни имтиҳон ҳаяжонлари ҳам айтарли хавотирга солмайди. Улар барчаси учун аввалдан ўзларини руҳан тайёрлаб боришади.

Биз айни масъулиятли бир паллада абитуриентлар имтиҳонларга қай алфозда тайёргарлик кўришаётганлигини аниқлаш мақсадида пойтахтда жойлашган олий ўқув юртлари эшигини қоқдик. Ўзбекистон Миллий университети юртимиздаги энг нуфузли илм масканларидан бири саналади. Шу боис ҳам бу ерда таҳсил олишни ихтиёр этганлар жуда кўплаб топилади. Маълумотларга кўра, бу йил университетга кириш истагида ҳужжат топширганлар ўртача ҳисобда ҳар бир ўринга 10 нафардан талабгор тўғри келмоқда. Абитуриентларни асосан университетнинг иқтисод, журналистика, тарих, ҳуқуқшунослик факультетлари кўпроқ қизиқтирган. Ҳатто, иқтисод, тарих факультетларида 1 ўринга 17-19 талабгор тўғри келади.

Бухоролик Шодия Давлетова университетнинг иқтисод факультетига ҳужжат топширган абитуриентлардан биридир.


– Ушбу соҳага бугун тенгқурларимиз ўртасида қизиқиш катта эканлигини яхши биламан, – дейди суҳбатдошим. – Лекин мен рақобатдан қўрқмайман. Чунки ўз билимимга ишонаман-да. Айни пайтда билимимизни бойитиш учун дугоналарим билан янги-янги адабиётларни мутолаа қиляпмиз.

Тарих факультетига ҳужжат топширган андижонлик Дониёр Хўжаев ҳозирда махсус ўқитувчи ёллаб имтиҳонга тайёргарлик кўрмоқда:

– Бугунгача 1996 йилдан 2006 йилгача бўлган барча ахборотномалардаги саволларга жавоб топиб, уларни ўзлаштирдим. Ҳозир янги адабиётлар бўйича тайёргарлик кўраяпман. Чунки битта саволга нотўғри жавоб берсангиз ҳам бу сизнинг имкониятингизни чеклаши мумкин. Ахир рақобат ниҳоятда катта.

Маълумотларга кўра пойтахтдаги 30 та олий ўқув юртлари ичида ҳар бир ўринга 20 нафардан ортиқ абитуриент ҳужжат топширган Тошкент давлат юридик институти бу йил талабгорлари сони кўплиги билан етакчилик қилмоқда. Иккинчи ўринни эса Тошкент давлат иқтисодиёт университети эгаллаб турибди. Ушбу олий ўқув юртида ҳар бир ўринга 18 нафардан ортиқ талабгор тўғри келмоқда. Нима бўлганда ҳам ҳар бир абитуриент уч кун давомида янада тинимсиз изланиб, билимларини бойитган ҳолда имтиҳонга киргани маъқул. Ахир имтиҳондан сўнг яқинларингизни қувноқ кайфиятда қарши олишни истайсиз-ку!

**Холида БЕКНАЗАРОВА.**




# КРАСОТА – ЭТО СИЛА!

**«Не одежда красит человека, а человек - одежду» – говорили во все времена. Но сегодня найдется немало людей, готовых поспорить с этим утверждением. Внешний вид, по мнению многих, имеет огромное значение в любой ситуации: и на улице, и при приеме на работу, и за школьной партой. Что и говорить, вопрос серьезный. Обсудить его взялись в Центре духовности и просветительства студенческого городка «Ёшлик», где прошел научно-практический семинар на тему «Воспитательные моменты и культура современной одежды». Участниками этого мероприятия стали преподаватели и студенты Национального университета Узбекистана.**

Найти сегодня любую одежду не проблема, главное – уметь выбрать то, что подходит конкретному человеку и вписывается в общепринятые рамки приличия. Однако наблюдается такой «разброд» в подборе гардероба, что просто диву даешься: обтягивающие блузки и топы у девушек (а порой – и у более взрослых дам), спущенные донельзя джинсы открывают порой не самые приглядные места. Ношение подобной одежды может расцениваться как неуважение к национальным традициям и ценностям. Ведь даже иностранные туристы всегда соблюдают дресс-код в нашей стране. Что же мешает нам следовать тем же правилам?!

Говорилось и о том, что молодые люди также нередко переступают границы дозволенного. Не у всех полуобнаженный торс может вызвать интерес к их обладателю. «Ладно было бы что показать! Так ведь смотреть не на что!» – с юмором замечали некоторые студентки.


Другое новомодное увлечение – мешковатая одежда. И если для представителей неформальных музыкальных или спортивных объединений она имеет определенный смысл, позволяет самовыражаться, то для остальных это скорее способ привлечь к себе внимание. И вот уже непонятно: девушка ли, парень ли в безразмерных джинсах и бандане с кепкой. А ведь такой внешний вид – уже не редкость.

Забавно, но даже школьная форма «белое-черное» не мешает молодежи, особенно – девушкам, находить все более откровенные наряды. Сверхкороткие малозаметные юбки, полуоткрытые блузки призваны привлечь внимание юношей, но как это отражается на учебе. Стоит учитывать особенности нашего уклада жизни и не превращать школу или любое другое учебное заведение в дом моделей одежды.

Тему влияния на вкусы людей извне можно обсуждать до бесконечности, но бороться с этим явлением крайне трудно. Массовая поп-культура через телевидение и глянцевые издания проникает в жизнь каждого человека, задавая определенные стереотипы внешности. И если молодой певец Шахруххон завоевывает сердца поклонниц песней «90-60-90», то это скорее тревожный сигнал. Нельзя поддаваться стремлению быть как «звезда», ведь самые гламурные личности, сходя с красных ковровых дорожек, превращаются в обычных людей в простой одежде. Но, к сожалению, не все парни и девушки понимают это, и вот результат: улицы полны одинаково одетых (или раздетых?) людей.

Все вышеизложенное непосредственно подводит нас к разговору об индивидуальности стиля. Чем более ярким и непохожим на окружающих будет человек, тем лучше для общества: оно будет «разноцветным», а не серым и безликим. Важно определиться со своим стилем: деловой, спортивный, сдержанный. Но не стоит прибегать к крайностям: или вы станете модным кутюрье, или всеобщим посмешищем. Причем последнее более вероятно.

**Рамиль АСКАРОВ.**



## МОЯ НЕДЕЛЯ

**Замира СУЛТАНБАЕВА, студентка НУУз:** «Недавно мне в буквальном смысле выпал счастливый билет – я съездила на литературный семинар Союза писателей в Заамине. Наверное, это были лучшие дни в моей жизни: кумиры детства и юности, цвет отечественной поэзии и прозы Абдулла Арипов, Хуршид Дустмухаммад, Александр Файнберг учили моих ровесников своему нелегкому, но такому чудесному ремеслу. Да, заставить человека хорошо писать невозможно, но не лишним будет направить его мысли, указать возможные художественные приемы, помочь обогатить речевые характеристики героев. Именно этим мы и занимались, вдали от проблем и суматохи, познавая литературу и самих себя. Словами не выразить той благодарности, которую я чувствую по отношению к своим наставникам. Надеюсь, мои первые литературные «опусы» и станут лучшим «спасибо»!»

**Анна ЗЛАТОГОРСКАЯ, домохозяйка:** «Как всегда приятной неожиданностью стало для меня открытие дехканских ярмарок. На любом базаре цены теперь значительно снизились и все благодаря труженикам села, у которых из первых рук можно купить свежие овощи и фрукты. А продуктов у них хватает, постоянно поступают новые партии. Так что насладиться дарами нашей щедрой земли может каждый. Лучшее сейчас, пожалуй, лакомство – арбузы и дыни, без которых и лето не лето. У нас они очень-очень сладкие, надо только уметь выбирать что поспелее – и настоящий «праздник души» вам обеспечен».

**Анатолий СВЕРЦЕВИЧ, гость столицы:** «Я бы хотел поделиться приятной новостью из моего родного города – Алмалыка. У нас решили восстановить троллейбусное депо и теперь будут закупать новые машины. Вместо одного троллейбуса по городу колесит уже целых семь, что самым лучшим образом сказывается на настроение жителей. Не надо ходить через весь – пусть и небольшой! – город пешком, ловить такси или маршрутку, когда имеется работающий электротранспорт. Это действительно благородное начинание и я верю, что оно будет иметь успех повсюду. Как-никак, именно троллейбусы с трамваями считаются самыми экологически чистыми видами транспорта».

**Ярослав ВИШНЕВСКИЙ, инженер:** «Меня больше всего радует повышение активности населения в решении собственных проблем. Мы уже не ждем, что кто-то придет и сделает все для нас и за нас, а сами работаем. Вот и сейчас весь наш массив вышел на никем не «заказанный» хашар – и вот уже подметены все улицы, подрублены деревья, убраны ненужные кусты, покрашены остановки, заасфальтированы пробоины. И все это сделали обычные жители на свои деньги. Так что я не понимаю тех, кто жалуется на судьбу: все в ваших руках, не сидите без дела! И вам будет чем гордиться!»

**Виктор ХМЕЛЬНИЦКИЙ, абитуриент:** «На днях я сдал творческий экзамен по актерскому мастерству и, кажется, сдал его успешно. Теперь я нахожусь в предвкушении тестов и очень волнуюсь. Конечно, всего запомнить и выучить не получается. Но в этот день меня будут морально поддерживать все родные, и я буду верить в победу над всеми заданиями. Того же желаю и всем остальным абитуриентам!»

**Ведущий рубрики**
**Роман РОМАНОВСКИЙ.**

## МАЪНАВИЯТ

### ДЕВУШКА НЕДЕЛИ



Альбина Мингалиева с детства увлекается восточными танцами. В настоящее время она в области танцев добилась очень многого. Наверное, поэтому Альбина решила связать свою судьбу с хореографией.

Также девушка любит смотреть индийские фильмы. Особенно в индийских фильмах ей нравятся исполнение танцев. Из этого она извлекает много полезного для себя.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»!

Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10х15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем).

Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

### КОНКУРС ПРОДОЛЖАЕТСЯ

**Продолжается конкурс «Вопросы природы и человек в истории Карши», объявленный Международной организацией экологии и здоровья «Экосан», Национальным университетом Узбекистана имени Мирзо Улугбека, Международным благотворительным фондом «Олтин мерос» и Каршинским городским хокимиятом.**

В конкурсе, который начался в январе нынешнего года и продолжится до октября, могут принять участие все исследователи истории Карши, 2700-летие которого по инициативе главы государства Ислама Каримова будет широко отмечаться в нашей стране.

Как сообщили из Международной организации экологии и здоровья «Экосан», в поданных на конкурс научных работах должны быть представлены исторические сведения о взаимосвязи человека и природы в Карши, развитии ирригационной системы, отражен вопрос влияния климатических условий на развитие земледелия, животноводства, садоводства, градостроительства, демографию в регионе, воздействия состояния окружающей среды на здоровье населения.

**А.НАЗАРОВ, корр.УзА.**

ВАТАН МАДҲИ



ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН

Кўплаб шеърлари қўшиққа айланган Низомиддин Маматқуловнинг «Эл посбони» шеърида ҳам ўзига хос оҳанг мужассам. Ушбу жарангдор сатрларга муносиб басталанган мусиқа яна бир аскар қўшиғини бунёд этса ажабмас.

### ЭЛ ПОСБОНИ

Қасамёддан қайтмаймиз асло,
Қайтмагандек шер ҳам изидан.
Эл дардига бўлгаймиз даво,
Ҳалол егач нону тузидан.
Ўзбек элин биз ўғлонлари,
Тинчлигининг чин посбонлари.

Бурчни адо этмоқлик шараф,
Ўзин йигит деган ўғлонга.
Зафар доим эр йигит тараф,
Жони фидо эл-юрт маконга.
Юрт ҳурлигин қалқонларимиз,
Ўзбек элин ўғлонларимиз.

Юрт тупроғи жон каби азиз,
Ўпиб кўзга суртамиз абад.
Аждодларнинг хоки мангу из,
Ватан азиз, тупроқ муқаддас.
Ўзбек элин биз ўғлонлари,
Тинчлигининг чин посбонлари.

Экология ва саломатлик

## ЯШИЛ ОЛАМНИ АСРАЙЛИК

Табиат она каби сахий! Фарзанд она бағрида ором олгани каби биз ҳам табиат қучоғида яйрайміз, унинг меҳрини ҳис этамиз, бутун юрагимиз билан боғланамиз. Аммо биз табиатнинг оламжаҳон меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўла туриб ўзимиз унга қай даражада меҳр кўрсатаяпмиз? Худди онамизни асрагандек асраяпмизми, уни? Афсуски йўқ. Йигирманчи аср бошларида биосфера ҳақидаги таълимотни кашф этиб дунёга танилган академик Вернадский «Инсоният табиат муҳитини бузувчи, ўзгартирувчи, қайта тузувчи улкан геологик кучга айланади!» деган экан. Не ажабки, вақтлар ўтиб, ушбу башорат рост чиқди. Йиллар давомида табиатга етказилган озорлар эндиликда инсониятнинг ўзини ҳам азобламоқда!

«Таркибида фтор ва хлор мавжуд бўлган органик моддалар ҳамда турли заҳарли моддаларнинг ҳаво атмосферасига кўтарилиши натижасида экологик муҳит учун муҳим аҳамиятга эга бўлган озон қатлами тобора юпқалашмоқда, демак, табиатни кимё саноати чиқиндилари ва заҳарли газлардан сақлашимиз, сув, ҳаво ва тупроқнинг олтингугурт бирикмаларидан ифлосланишининг олдини олишимиз зарур», дейди олимлардан бири куюниб. Шундай экан, гап яна дарахтларга келиб тақалади. Чунки дарахтлар ёзда соя-салқинлиги, кузда мева беришидан ташқари йил бўйи бизни чанг ва ғуборлардан ҳимоя этади. Олимларнинг фикрича, бир туп дарахт 24 соат ичида уч киши учун зарур бўлган оксигенни қайтариб берар экан. Бир гектардаги ўрмон эса 24 соат давомида 230 килограммгача ҳажмдаги карбонат-ангидридни ўзига «ютиб», 200 килограмм ҳаво оксигени ажратади. Бир гектардаги игна баргли дарахт бир йилда 40 тоннага яқин, япалоқ баргли дарахт эса 100 тоннагача ҳаво чангини ушлаб қолади. Шунингдек, дарахтларнинг шовқин-суронни камайтириш ва атмосферага кўтарилаётган заҳарли моддаларга тўсқинлик қилишдаги ўрни ҳам беқиёс. Кўча ва йўлакларда ўсадиган чинор, қарағай дарахтларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Демак, яшиллик оламини авайлаб-асраш ўз ҳаётимизни ва саломатлигимизни авайлаб-асраш сингари ўта муҳимдир!

Тутзорларни янада кўпайтириш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш фойдадан холи эмас. Бир пайтлар Самарқандниг чекка туманларининг бирида Мингтут деган қишлоқ бўлган. Албатта у ерда тутлар кўп экан. Айтишларича, ўша кезларда мингтутликларнинг бирортаси шифо истаб касалхонага бормаган. «Мингтутдан келин олсанг, наслинг тоза, фарзандларинг бақувват бўлади», деган ибора тилдан тилга кўчиб юрган. Ахир табибларимиз ҳам «Тут меваси – минг дардга даво, тоза қон ҳосил қилади», деб бежизга айтишмагандир.

Бундан кўп йиллар бурун шу қишлоқдаги қалин тутзорлар кесилиб кетди. Эндиликда у ердаги тут дарахтларини санаб чиқса, эҳтимол юзта ҳам чиқмас...

Чуқурроқ ўйлаб қаралса, тутзорлар фақат меваси билангина эмас, балки ҳавони тозалаш хусусиятига эга бўлгани учун ҳам қадрланган. Ҳозирги пайтда фойдалилиги тут дарахтидан кам бўлмаган узумзорлар ҳам камайиб кетган. Узумнинг афзаллиги ҳам шундаки, у ёзнинг жазирамасида тангадек офтоб нурини ерга туширмайди. Халқимиз ёнғоқни «Луқмон дарахти» деб атаганлар. Олимлар эса бу дарахтни «ҳаво фабрикаси» деб ҳам баҳолашади. Негаки, у тоғ минтақаларида нураш (эррозия)нинг олдини олади, микроклиматни яхшилаб, микробларга қирон келтиради. Бу жиҳатдан арчаларнинг ҳам фойдаси катта. Тоғликларнинг фикрича, ҳар бир арча битта қудуқ билан тенг, у қишда қорни, ёзда намни яхши сақлайди. Арчазорлар бизнинг тоғларимиз кўрки, шундай экан, уни экиб кўпайтиришнинг хосияти ўзгача.

Қадимгилар «етти ўлчаб бир кесади»ган ақлли, доно кишилар бўлишган-да. Қайсики хонадонда қиз фарзанд туғилса, унга атаб мевали дарахт, ўғил туғилса, терак экишаркан.

– Қиз бола она бўлмоқ учун дунёга келади, илоё шу бахтга эришсин, – дея пичирлашаркан мевали дарахт кўчатини тупроққа қадаётиб.

– Мана шу тераклар катта дарахтга айланиб, эгаси қуражак уйларга устун бўлсин, – дейишаркан терак қаламчаларини ўтказаётиб. Шу тариқа фарзандлар баробарида мевали-мевасиз дарахтлар ҳам кўпайиб бораверяркан. Бугунги кунда ҳувиллаб ётган майдонларда дарахтларни кўпайтириб боғ барпо этиш аксариятимизнинг хаёлимизга келмайди. Гўё ота-боболаримизнинг муқаддас анъаналарини давом эттиришга шошилмаётгандекмиз...

«Боғни боқсанг боғ бўлар, ботмон дахсар ёғ бўлар!»

«Умид билан суқилган таёқ, бир кун берар меваю япроқ!»

«Бир туп ёнғоқ эксанг, бир умр мева терасан!»

Бу ҳикматларни айтиб кетган боболаримиз ўзлари асл боғбону соҳибкор бўлишган. Биз уларга муносиб издошлар бўлмоғимиз лозим. Ахир она тупроқда унган ҳар чўпу хасни азиз билсак, ўтўланларнинг кўпайишига имкон берсак, дарахтларни меҳр билан парваришласак, кўп йиллар соғу омон яшашимиз учун қулай имкон яратган бўламиз. Қолаверса, келгуси авлод ҳам баҳраманд бўлади. Табиатни асраш – муқаддас бурчимиз.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**



# ЙИГИТЛИК БУРЧИ

қисса

## III боб. ҚАЙНОҚ ФАОЛИЯТ



**(Давоми. Боши ўтган сонларда).**

Баҳром ўртоғидан хурсанд эди. Уни қаҳрамонлик кўрсатиб, бир ўзи тунда қонунбузарларни ушлаганидан боши осмонда, шундай оғайниси борлигидан ғурурга тўлганди.

«Ҳа, ҳаётда жасорат кўрсатиш имкониятлари йўқ эмас, – ўйларди у. – Хўш, у ўзини ўша ўғриларни кўрмаганга олганда нима бўларди? Балки бу ёш аскарларни текшириш учун атайлаб уюштирилган томоша бўлса-чи? Йўқ, бу жиддий ҳодиса. Бекорга ўн кунга уйга рухсат беришмади-ку? Алишер ўзининг ҳушёрлиги ва зийраклиги билан ҳарбий техникани, қурол-аслаҳаларни сақлаб қолган. Қизиқ, у ҳозир уйда нима қилаётганийкин? Маза бўлди-да, унга. Қариндош-уруғларининг вағир-вуғури орасида ўтиргандир? Ҳечқиси йўқ, менинг хизматим ҳам яхши кетяпти...»

●

Кечқурун Алишернинг уйини меҳмонлар босди. Қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар. Чой дамланди. Нон синдирилди. Манти олиб келинди. Анчагача чақчақлашиб ўтиришди. Ҳамма Алишер уйга келганидан хурсанд эди. Айниқса, отаси – Муҳиддин ака.

– Келишингдан бир ой олдин командирингдан ташаккурнома олгандим, – деди у ғурурланиб. – Ҳаммамиз тоза мақтангандик. Мана энди, ўзинг келиб қолдинг. Барака топ, ўғлим!

– Автоматдан отдингизми? – сўради укаси Мурод.

– Отдим, – жилмайди Алишер.

– Ростакам автоматми? – яна сўради Мурод.

– Ростакам, – жавоб берди Алишер.

Кейин армиядаги хизмати, қилаётган ишлари, сафдош дўстлари, командирлари ҳақида гапириб берди.

Собир деган энди ўн саккизга тўлган қўшниларининг онаси обдон сўраб-суриштириб олди. «Армия қанақа жойда? Қанақа кийимлар беради? Еб-ичишлари қандай?»

Алишер унга ўзларининг қисмлари, қатъий тартиб-интизом мавжудлиги, еб-ичишидан камчилик йўқлиги, уч ой ичида уч килога семиргани, яна кўп нарсаларни айтиб берди.

– Илойим, менинг ўғлим ҳам сеникидақа жойга борсин, сенга ўхшаб юрсин, – деди Собирнинг онаси қувониб.

Алламаҳалда, маҳалла қўмитасининг раиси Бердибой ака кириб келди. Алишердан хурсандлигини айтди. Командирдан олинган хатга ҳам тўхталди. Кейин яқинда тумандан ҳарбий хизматга тайёрланаётган ёшлар билан учрашувга таклиф қилди. Уларга ўзи таҳсил олган «Ватанпарвар» ҳайдовчилик курси, ҳарбий хизматдаги ҳаёти ҳақида ёшларга гапириб беришни сўради. Алишер рози бўлди.

Шу кеча меҳмонлар Алишерга савол бериб, Алишер уларга жавоб бераверіб чарчашмади.

Эртасига Алишер Нигора билан учрашувга отланди. Улар «Улуғбек» метроси ёнидаги хиёбонда кўришишди.

Нигора аввалига уни таниёлмай турди. Қўл бериб сўрашишди. Алишер қизнинг қўлини қўйиб юборгиси келмай қолди.

Кейин хиёбонни айланишди. Кўл бўйига боришди. Қаҳвахонага киришди. Музқаймоқ ейишди. Нигора уни нега бунақа тез таътил олиб келганига қизиққанди. Алишер кула-кула бўлиб ўтган воқеани қисқача айтиб берди.

– Нима, сен қонунбузарларни нокдаун қилдингми? – ҳайрон бўлди Нигора.

– Йўқ, бу мумкин эмас, – кулимсиради Алишер.– Мен у ерда низом бўйича иш кўрдим...

Алишер қизга кўп нарсаларни айтиб бергиси келдию, ийманди, мақтанчоқлик бўлмасин деган хаёлларга борди.

– Дарвоқе, суратингни олдим, раҳмат, – деди беихтиёр Нигорага ёзган хатни эслаб. – Уни доим ёнимда олиб юраман.

– Раҳмат, арзимайди, – деди Нигора уялинқираб.

Шундан кейин кўл бўйидаги «тир»га киришди. «Милтиқ отамизми?» таклиф қилди Алишер ва ўнта ўқ билан милтиқ олди. Кетма-кет думалоқ нишонга ота бошлади. «Тир» хизматчиси унинг отишини кўриб, кўзойнаги тепасидан ҳайрон бўлиб қарарди. «Сиз зўр отаркансиз, йигитча», – деди ҳайратланиб ва унга юмшоқ филчани мукофот тариқасида берди.

– Сен ҳам отасанми? – сўради Алишер Нигорадан.

– Йўқ, милтиқ отиш аёлларнинг иши эмас, – деди Нигора қизариб.

Улар қош қорайгунча юришди. Хайрлашишаётганда Алишер тез кунларда армияга чақирилаётган ёшлар олдида чиқишини айтди. «Борасанми?» деб сўради.

– Ўзим телефон қиламан, – деди Нигора. – Ўзинг олсанг, учрашувни келишиб оламиз. Бошқа одам олса, трубкани секин қўйиб қўяман.

– Унда кечаю-кундуз телефонни пойлаб ўтираман, – ҳазиллашди Алишер. Кулишишди.

●

Ёшлар билан учрашувдан бир кун олдин маҳалла қўмитасининг раиси Бердибой ака Алишерга қўнғироқ қилиб, учрашув эртага соат 10 да бўлишини айтди, ҳарбий кийимда келишини тайинлади.

У бу учрашув ҳақида акаси Жасурга айтганди, у ҳам «Бораман, – деди. – Кейин анҳор бўйидаги чойхонада ўтирамиз. Ҳозир ўша ердан зўр жой йўқ», деб мақтади.

●

Учрашув жуда қизиқарли ўтди.

Алишер йиғилганларга ўзининг армиядаги ҳаёти, машғулотлар, у ердаги тартиб, ўқув машқлари, дўстлари, командирлари ҳақида батафсил гапириб берди.

– Мана ҳозир бу ерда беданаларнинг сайрашини эшитиб, чой ичиб ўтирибмиз, – деди у. – Ҳозир шу лаҳзаларда ҳарбий хизматдагилар нималар қилишаяпти, деб ўйлайсизлар? Чегараларда, қоровулликларда, нарядларда қанчадан-қанча аскар йигитлар ана шу тинчликни, ана шу осойишталикни қўриқлаб турганларини эсдан чиқарманглар.

Алишер шу кеча яна жуда кўп нарсаларни айтиб бермоқчи эди. Саволлар кўпайиб кетгани учун сўзини қисқа қилиб қўя қолди. Айниқса, унинг «ҳарбий хизматга бориш ҳар бир кишининг йигитлик бурчи», деган гаплари Бердибой акага ёқди. Унга миннатдорчилик билдириб, кузатиб қўйди.

Кейин ака-ука Жасур айтган чойхонага боришди.

Чойхона шундоққина анҳор соҳилида экан. Жасур улфатлари, ўртоқлари баъзан ошхўрликка, баъзан кабобхўрликка келиб туришларини айтди. Ўзлари ҳам кабоб буюриб ўтиришди. Чойхонада мижозлар унчалик кўп эмас эди. Ана шу ерда Алишер икки стол нарида ўтирган эллик ёшлардаги бир кишининг ўзидан кўз узмай ўтирганини сезиб ҳайрон бўлди.

Айниқса, унинг кўзларидаги алланечук мунгми, изтиробми уни ўйлантириб қўйди. Буни Жасур ҳам сезди.

**Полковник Баҳодир ҒАФУРОВ.**

**(Давоми бор).**

Кўнгилга ташриф

# ҚЎШИҚЛАРИМ ҒОЯСИ МАКТУБЛАРДА

**Газетамизнинг бу галги меҳмони ўзбек санъатида ўзига хос ўринга эга бўлган ёш истеъдодли ижодкор Шаҳноз Саидқосимовадир. Ушбу серқирра ижодкорни кўпчилик мухлислар Шаҳноз номи билан яхши танишади. Ўйлаймизки, у билан бўлган самимий суҳбатимиз сизни эътиборсиз қолдирмайди.**



**– Санъат оламига кириб келишингизга ким сабабчи бўлган?**

– Санъатга қизиқишимда бирортаси сабабчи бўлган, деб айта олмайман. Ёшлигимдан ўзим тўқиган шеърларимни хиргойи қила туриб, ўзим сезмаган ҳолда санъат даргоҳига қадам қўйганман. Борабора ички кечинмаларим ва атрофдаги воқеалар асосида ўзим учун шеър ҳамда куй яратиб, уни хиргойи қилиш менинг энг севимли машғулотимга айланиб қолди. Бу иш билан жиддий шуғулланиб бошлаганимда эса ўн олти ёшда эдим. Бунга қадар менда шундай истеъдод борлигини ҳеч ким пайқамаган.

**– Шаҳнознинг болалиги қандай бўлган?**

– Ёшлигимда жуда қувноқ ва шўх қизалоқ бўлганман. Устига-устак ўта қизиқувчан эдим. Агар бирор ёқимли мусиқа янграб қолса, уни бутун вужудим қулоққа айланиб тинглардим. Айниқса, миллий мусиқаларимиз мени ўзига кўпроқ ром қиларди.

**– Сизни ҳозир кўпчилик мухлислар шоира ва бастакор сифатида яхши билишдан ташқари дилдан куйлаган хонишларингизни ҳам завқ билан тинглашади. Санъатнинг ушбу йўналишларидан қайси бирига ўзингизни яқинроқ деб биласиз?**

– Биринчи навбатда мен ўзимни бастакор сифатида биламан, мусиқасиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман.

**– Биринчи қўшиғингизни қачон ёзгансиз?**

– «Бону» гуруҳига илк «Хушрўйим» деб номланган қўшиғимни ёзиб берганимда 16 ёшда эдим. Сўнгра ушбу гуруҳ билан ҳамкорлигимиз давомида битта альбомни ёзиб тугатганмиз.

**– Устозингиз ким?**

– Мендаги истеъдодни янада ривожлантириб, кўпчиликка танилишимда бастакор Дони Илёсовнинг хизматлари катта бўлди. Сўнгра Руслан Шарипов ва Вагиф Зокировлар яқиндан ёрдам берди. 1995 йил менинг қўшиқларим «Болалар» шоу дастурида куйлангач, қўшиқларимга кўпчилик хонандалар қизиқиб қолишди. Шунда Руслан ака ва Тоҳир Содиқовлар «Сен учун энди мустақил ижод қилиш даври келди», дея менга далда бўлишган. Айни пайтда уларни ўзимга устоз деб биламан.

**– Қўшиқ куйлашингизга нима сабаб бўлган. Ахир сиз ўзингизни бастакор дея ҳисоблайсиз-ку?**

– Мухлисларимнинг таклифи ва уларнинг қўллаб-қувватлашлари орқали қўшиқ куйлаганман. Лекин бу асосий орзуим эмас эди. Менинг мақсадим, хонандалар учун янгича ижро услубида ашулалар ёзиб, ўзбек санъатини янада бойитсам, дейман. Мен янги қўшиқ яратаётганимда кимда қандай янграшини ҳисобга олиб, унинг ижро услубига қўшиғимни мослайман. Бундай пайтда хонандаларнинг феъл-атвори ва дунёқараши ҳам эътиборимдан четда қолмайди.

**– Сизга ким мурожаат қилишидан қатъи назар барчасига қўшиқ ёзиб бераверасизми?**

– Куйлай олиш қобилиятини сезсам, имкон қадар менга мурожаат қилиб келган барча хонандаларга қўшиқ ёзиб бераман. Санъатга энди қадам қўйган ёшлар ҳам олдимга кўп келади. Шунда қўшиқ ёзиб беришдан аввал, «Қўшиқ куйлаш билан жиддий шуғулланмоқчимисиз ёки бу сиз учун шунчаки ҳавасми?» дея уларнинг фикрини ҳам ўрганаман. Баъзилари ҳатто «Битта қўшиқ куйлай-чи, кейин кўрамиз», дейишади. Шунда мен бундай ҳавасманд ёшларга қўшиқнинг яратилиш машаққатларини иложи борича тушунтириб, ўз маслаҳатимни бераман. Тўғри-да, санъат шунчаки ҳавас йўли эмас. Бу даврага кирган киши атрофдагиларга ўхшамаган ҳолда ўз ўрнини топиб, бу номга муносиб бўлмоғи лозим. Агар қалбида санъатга иштиёқи юксак бўлган ёшлар ёнимга ёрдам сўраб келса, мен уларга қўлимдан келганча кўмаклашаман.

**– Хориж эстрада юлдузлари билан ҳам ҳамкорлик қиляпсизми?**

– Ҳамкорлик борасида менга Россия, Туркия, Озарбойжон, Қозоғистон ва Туркманистондан таклифлар бўлди. Таклифлар шартига кўра менинг у ерга бориб ижод қилишим назарда тутилганди. Лекин мен таклиф ташкилотчиларига ўз Ватанимда ижод қилиб, улар билан ҳамкорлик қилишимни айтдим. Назаримда бу жавобим уларга маъқул келмади.

**– Қандай қўшиқ сизга кўпроқ ёқади?**

– Меъёрида куйланган ҳар қандай қўшиқни севиб тинглайман. Лекин миллий қўшиқларимизни замонавий руҳда куйлаймиз, деб қайта ишлаб қолипидан чиқариб бузишларига қаршиман. Қўшиқ такрор куйланганда сифати оригинал даражасидан паст бўлмаслиги керак деб ҳисоблайман. Такрор куйланган қўшиқлардан менга Жаҳонгир Отажоновнинг «Доғман» қўшиғи ниҳоятда ёқди. У назаримда қўшиққа қайта ҳаёт бахш этгандек. Замонавий-миллий услубда куйлаётган Гулсанам Мамазоитова, Дилдора Ниёзова, Феруза Жуманиёзоваларнинг ижоди ҳам ҳар қандай кишининг диққатини ўзига тортади.

**– «Шаҳноз ва унинг дўстлари» деб номланган ижодий кечангизни мухлисларга ҳавола қилдингиз. Назаримда, ижодингиз мухлисларни янада қизиқтириб қўйди...**

– Ижодий кечадан сўнг дастлабки концерт дастуримни мухлисларимнинг талаб ва истакларига кўра уюштирдим. Қолаверса, бу дастур менинг мухлисларим олдидаги ўн йиллик ҳисоботим эди. Ўзингиз яхши биласиз, айни пайтда ҳар қандай катта дастурларни ҳомийларнинг кўмагисиз амалга ошириш ниҳоятда қийин. Меннинг эса ҳомийим йўқ. Боз устига бундай концертнинг масъулияти мени бироз хавотирлантиради.

**– Сиз янги-янги қўшиқлар яратишда ғояни қаердан оласиз?**

– Менга юртимизнинг турли гўшаларидаги мухлисларимдан жуда кўп мактублар келади. Дилномаларда асосан уларнинг ҳаётий кечинмалари, ҳис-туйғулари ва тақдирлари акс этган бўлиб, қўшиқ қилишимни исташади. Мен эса ўз ўрнида ушбу хатларнинг барчасини йиғиб, улардаги умумий мавзу асосида қўшиқ яратаман. Баъзида ғоя қўшиқчилар томонидан ҳам таклиф қилинади.

**– Қўшиқларингиздан қайси бири ўзингизга кўпроқ маъқул, дея айта оласиз?**

– Менга асосан ватанпарварлик руҳидаги қўшиқларим ёқади. Ижодимнинг асосий қисми ушбу мавзудаги қўшиқлар бўлиб, бунга «Ҳаёт давом этар», «Аждодлар руҳи», «Сен борсан», «Ҳаммамиз бирга» каби тароналаримни келтиришим мумкин.

**– Бугун ўзбек киноси ҳам анча ривожланиб, тараққий этиб бормоқда. Санъатнинг ажралмас бир қисми бўлган кино саноатида сизнинг ҳиссангиз қай даражада?**

– Тўғри айтасиз, кейинги пайтда ўзбек киноси ҳам анча қаддини тиклаб олди. Айни пайтда ўзбек кинематография соҳасида мусиқали картиналар суратга олиш анча тараққий этиб бормоқда. Бундай фильмларни суратга олишда менга кўп таклиф бўлди. Мен Тарона Рекордс ҳамда Шарқ Синема студияларида ҳамкорликда суратга олинган Аюб Шаҳобиддиновнинг «Севинч», Баҳром Ёқубовнинг «Сарвиноз», «Бахт учун миллион», «Ромео ва Жульетта ёхуд лаънатланган муҳаббат», Рустам Саъдиевнинг «Келгинди куёв», Зебо Наврўзованинг «Ярим бахт» картиналарига қўшиқлар ёзиб берганман. Айни пайтда Баҳром Ёқубовнинг «Зумрад» фильми учун ҳам қўшиқ ёзяпман.

**Сейман НАЗАРОВ суҳбатлашди.**

Мир кино

# СУДЬБА ЧЕЛОВЕКА

**Появление нового хорошего фильма всегда обогащает нравственный мир зрителей, толкает их к новым свершениям. Потому неудивителен всплеск интереса к недавней премьере – фильму «Ватан» («Родина»).**

Эта лента – последняя по времени работа известного режиссера Зульфикара Мусакова, самый большой по масштабу художественный фильм года. Действие охватывает большой и неоднозначный период истории – с начала 40-х годов прошлого века до дня сегодняшнего. Все это – глазами одного человека, выходца из кишлака Шуртепа Курбана Усманова. Пройдя сложными дорогами жизненного пути, отвечая на вопрос сына: «Что есть Родина?», – он говорит: «Родина – это твоя мать, голубое небо, бегущий сай, зеленое поле, бурая земля». Для него не имеет значения, что он лишился всего. Курбан верит: не Родина виновата, а время. И теперь, шестьдесят с лишним лет спустя, он возвращается в свой край...

История, легшая в основу киноповести – на 90 % реальный факт, о котором режиссер знал с детства. «Я больше поклонник душевного кино», – отмечает сам Зульфикар Мусаков. И надо сказать, «Ватан» действительно поражает неспешностью действия. Но и без этой суеты фильм полон драматизма, подлинных человеческих чувств и страданий.

Лента снята в необычной манере: современность постоянно перемежается с воспоминаниями Курбана о его молодости. Любой зритель легко узнает Ташкент XXI века, и заморские небоскребы, и довоенное узбекское село. Все это самым лучшим образом отразило историческую достоверность киноленты.

«Ватан» собрал впечатляющий актерский ансамбль: прекрасно сыграли Раъно Шадиева, Тимур Мусаков,Атабек Мусаев, Бабур Юлдашев. Но самые запоминающиеся образы создали Музаффар Сагдуллаев и Маннон Убайдуллаев – исполнители ролей молодого и пожилого Курбана. Вместе все они воплотили на экране сагу о настоящем Человеке с большой буквы, который прошел через лишения, но сохранил чувство собственного достоинства, свою честь. А самое главное – он остался верен такой далекой и такой любимой Родине. Пожалуй, именно общечеловеческий характер фильма и сделал его привлекательным для всех поколений зрителей.

«Ватан» был участником VIII кинофестиваля СНГ и Балтии и получил самые теплые отзывы критики. А в октябре будет показан в рамках Лондонского международного фестиваля Сары Латтон. Будем надеяться, что и там лента об истинном патриотизме – без громких слов и лозунгов – будет иметь успех.

**Рамиль ИСЛАМОВ.**

## СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

Греко-римская борьба

### ДИЛЬШОД – ПОБЕДИТЕЛЬ ТУРНИРА

В столице Грузии городе Тбилиси прошел один из престижных международных турниров по греко-римской борьбе. В нем приняли участие более ста сильнейших атлетов мира, в том числе мастера ковра и из нашей страны.

Наш соотечественник заслуженный спортсмен Узбекистана Дильшод Орипов завоевал золотую награду турнира.

Также бронзовых медалей удостоились другие узбекистанцы – олимпийский чемпион Александр Докторашвили, Камол Холматов, Геннадий Чхаидзе.

Борьба: чемпионат Азии

### ПЯТЬ МЕДАЛЕЙ ИЗ ДУБАЯ

На первенстве Азии среди юношей 1986 – 1987 годов рождения, проходившем в городе Дубае (ОАЭ), пять наших юных соотечественников стали призерами первенства.

Наш земляк Эльдар Хафизов, победив в своей весовой категории всех соперников, завоевал титул чемпиона Азии. Другие узбекистанцы Шерали Шадманов, Жахонгир Муминов, Абдумалик Алиев и Сухбат Хожиев стали бронзовыми призерами соревнований.

Легкая атлетика

### «ЗОЛОТО», «СЕРЕБРО» И «БРОНЗА»

На чемпионате Азии, проходившем в Макао, узбекистанские атлеты завоевали шесть медалей разного достоинства.

Золотые медали чемпионата завоевали Светлана Радзивил и Александра Котлярова. Призерами континентального первенства также стали Наталья Асанова, Оксана Кот («серебро») и Надия Дусанова, Ирина Зудихина («бронза».)

Теннис

### ФАРРУХ – БОШ СОВРИН СОҲИБИ

Россиянинг Пенза шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасида ўтган халқаро турнирда ўн тўққизта мамлакатдан келган теннисчилар ғолиблик учун кортга чиқишди.

Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган ҳамюртимиз Фаррух Дўстов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, халқаро турнир бош совринини қўлга киритди.

Ўзбекистонлик ракетка устаси финалда Хитой Тайпейи вакили Ти Чен устидан 4:6, 6:2, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди.

Велоспорт

### ПОБЕЖДЕН ЧЕМПИОН МИРА

На чемпионате Узбекистана по велоспорту на шоссе в индивидуальной гонке на 25 км и групповой гонке на 125 км успешно выступили армейские спортсмены. Эти состязания особенно ценны тем, что на них выступили наши легионеры, проходящие в настоящее время подготовку в Италии в компании профессиональных велогонщиков.

В частности, на старт велогонки выходили чемпион мира в категории «Андер-23» (до 23 лет) Сергей Лагутин, а также сильные легионеры Денис Шкарпета и Константин Волик. Тем отраднее, что именно в гонке на время «Андер-23» чемпионом Узбекистана стал представитель МХСК Константин Калинин, да и серебряная награда у нашего спортсмена Азиза Абдурахимова. В гонке на 25 км победил Владимир Туйчиев (кстати, тоже бывший армеец), а серебряную награду завоевал гонщик МХСК Николай Казакбаев, выигравший у чемпиона мира С.Лагутина. Николай стал также бронзовым призером в групповой гонке на 125 км среди мужчин (элита).

– Данные состязания стали прекрасной проверкой готовности наших велогонщиков к предстоящим Азиатским играм в Катаре, – подчеркнул старший тренер МХСК Худжат Тухватуллин. – Достойно смотрелись в компании легионеров и другие наши ребята – Юрий Иволжатов, Филипп Яковенко и Владимир Тяжелкин, вошедшие в первую пятерку в групповой гонке.

Трамплин

### КАТАРСКИЙ УСПЕХ

На международных тестовых соревнованиях по трамплину, проходивших в катарской столице Дохе, успешно выступили наши спортсмены, достойно защитив честь Узбекистана. Так, в состязаниях среди женщин чемпионкой стала спортсменка МХСК Анна Савкина, а серебряная медаль у рядового по контракту Екатерины Хилько. В соревнованиях среди мужчин «серебро» на счету ташкентского армейца Дильшода Садыкова.

Вольная борьба

### ОБЛАДАТЕЛЬ «ЗОЛОТА» – УЗБЕКИСТАНЕЦ

На чемпионате Азии среди юниоров, который проходил в столице Объединенных Арабских Эмиратов Абу-Даби, более 120 спортсменов оспаривали первенство. Неплохо выступили на этом континентальном первенстве и узбекистанские борцы вольного стиля. Одна золотая и две бронзовые медали завоевали наши юные мастера ковра. Золотую награду и титул чемпиона Азии в весовой категории до 84 кг завоевал Абдул Аммаев. Бронзовыми призерами стали Рустам Хуталиев (до 66 кг) и Артем Присяжнюк (до 74 кг).

Бокс

### ВЫСТУПИЛИ РЕЗУЛЬТАТИВНО

На завершившимся во Франкфурте (Германия) традиционном международном турнире хороших результатов добились наши земляки: Орзубек Шаимов (54 кг) – золотая медаль, Бахром Хидиров (48 кг) и Ахрор Нуралимов (91 кг) – «серебро», Санжар Халикулов (81 кг) – бронзовая медаль.

**Подготовил Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.**

## ИНТЕРНЕТ-НОВОСТИ



**Платини кандидат в президенты**

Бывший капитан сборной Франции Мишель Платини подтвердил, что будет бороться за место президента Европейского союза футбольных ассоциаций (УЕФА). Как отмечает «Reuters», Платини входит в исполнительные комитеты УЕФА и ФИФА. Выборы состоятся во время конгресса УЕФА в Дюссельдорфе 25–26 января следующего года. Платини пока является единственным кандидатом, официально заявившим о своем намерении бороться за пост президента УЕФА. В июне бывший капитан и тренер сборной Германии Франц Беккенбауэр сообщил, что он примет участие в выборах в качестве кандидата лишь в случае ухода Юханссона с поста главы УЕФА.



**Несогласие с вердиктом суда**

Апелляционный суд, рассмотрев жалобы клубов, замешанных в громком коррупционном скандале в итальянском футболе, смягчил наказания. Больше всех пострадал «Ювентус», и его представители уже выразили категоричное несогласие с вердиктом и готовность вновь подать апелляцию – если потребуется, в гражданский суд. О возможности повторной апелляции говорил и владелец «Фиорентины», сообщает РИА Новости. Однако уже в среду Федерации футбола Италии необходимо выслать в УЕФА окончательные списки участников еврокубков. Поэтому заявка Италии на Лигу чемпионов сезона – 06/07 будет выглядеть так: «Интер» и «Рома» (групповой этап), «Милан и «Кьево» (третий отборочный раунд).



**Каспаров примет участие в турнире**

22 августа Гарри Каспаров, объявивший в прошлом году об уходе из спорта, вновь сядет за шахматную доску. Произойдет это в Цюрихе на турнире по быстрым шахматам. Соперниками Каспарова будут три других выдающихся гроссмейстера – Виктор Корчной, Анатолий Карпов и Юдит Полгар, продолжающие спортивную карьеру. Об этом сообщает «NEWSru Israel» со ссылкой на «Коммерсант». Очевидно, что это событие, несмотря на то, что не имеет официального статуса и не значится в календаре «FIDE», вызовет огромный интерес. Ведь в нем удалось собрать гроссмейстеров, являющихся, по сути, олицетворением целой эпохи в шахматах.



**Правила могут претерпеть изменения**

Итоги чемпионата Европы в Пловдиве создали почву для революционных изменений в правилах любительского бокса. Есть предложения: отказаться от защитных масок, изменить регламент поединков до 3 раундов по три минуты, оставить за рефери на ринге решающий голос в определении победителя боя. Новые предложения будут рассмотрены президентом ЕАБА Эдуардом Хусаиновым, конгрессом ассоциации и, в случае одобрения, будут переданы в международную федерацию.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. УСМОНОВ, А. КАМАЛОВ,
Х. ЗАЙНИЛОВ, Ё. ҲАКИМОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 Буюртма № G-2652. Адади 23500.